

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

«БМИни ҳимоя учун ДАКга  
Тавсия қиламан» факултет  
декани \_\_\_\_\_  
доц., Т. Шарипов  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил

«Касб таълими» кафедраси  
5111017 – «Касб таълими: иқтисодиёт

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Мавзу: “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини  
ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш  
(Касб-хунар коллежлари мисолида)

Бажарди: КТИ – 114 гуруҳ талабаси

Собирова М.Б.

Илмий раҳбар: «Касб таълими»  
Иқтисодиёт фанлари ( PhD) доктори

Урунбаева Ю.П.

Малакавий иш муҳокама қилинди  
ва ҳимояга рухсат берилди:  
кафедра мудири, п.ф.н., доцент  
\_\_\_\_\_ О.Ж.Суюнов  
«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил

САМАРҚАНД – 2018

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I-БОБ.</b>	<b>БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b>	5
1.1-§.	Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилри.....	5
1.2-§.	Бозорнинг мазмуни ва вазифалари.....	19
1.3-§.	Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари.....	31
<b>II-БОБ.</b>	<b>ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ВА БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ</b>	40
2.1-§.	Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва аҳамияти.....	40
2.2-§.	Инновацион педагогик технологияларни жорий этиш йўллари...	58
2.3-§.	Инновацион педагогик технологиялар асосида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш.....	69
<b>III-БОБ.</b>	<b>“БОЗОР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИАТИ, ВАЗИФАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ВА МЕТОДИК КЎРСАТКИЧЛАРИ</b>	83
3.1-§.	“Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда “Венна” ва “3x4” технологияларини татбиқ этиш услубияти.....	83
3.2-§.	“Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили.....	89
3.3-§.	Инновацион педагогик технологияларни жорий этишда хавфсизликни таъминлаш муаммолари.....	92
	<b>ХУЛОСА</b> .....	95
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	98
	<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	103

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги:** Ҳар қандай жамиятнинг базиси, яъни «пойдевори»ни иқтисодий билимлар ташкил этади. Ушбу «пойдевор» шу даврдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига қанчалик тўғри ва мос шакллантирилган бўлса, у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти учун шу қадар кенг имкон ва рағбат яратади.

Талабалар иқтисодий тафаккурининг мазмун-моҳияти, уларнинг амал қилиш қонун ва қонуниятларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда энг аввало иқтисодчи- педагогнинг маҳоратига боғлиқдир. У мазкур вазифани ўзининг юксак маънавиятли шахсда иқтисодий билим ва маданиятни шакллантириш, назарий билим ва қоидаларни амалиётга жорий этиш, ғоявий-тарбиявий, методологик функциялари орқали амалга оширади.

Инсон маънавияти унинг эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайдиган ва англаб етадиган, уларни ҳимоя қилиш ёки қондириш йўлида амалга оширадиган фаолиятининг мазмун-моҳиятини намоён этувчи энг асосий мезондир. Айнан шу сабабли баркамол шахсни шакллантиришда унинг маънавияти, эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасидаги муҳим мутаносибликни тўғри баҳолай олиш ҳамда шахснинг моддий эҳтиёжлари ва манфаатларини юксак маънавият меъёрлари орқали мушоҳада этиш ниҳоятда зарурдир. «Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак... ўринли бўлади»<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида иқтисодий таълим жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилияти, иқтисодий тафаккурини ривожлантирувчи инновацион педагогик технологияларни ташкил қилиш, фаол усуллардан фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Инновацион педагогик технологиялар - талабаларни ўз касбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги - фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2016 йил 15 декабр.

кўпи билан 20 фоизини ўзлаштирган бўлса, илғор педагогик усуллардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Инновацион педагогик технологияларининг самарадорлиги яна шундан иборатки, унинг қатнашчилари яхлит тизимли билимга эга бўлади ва мустақил - ижодий фикрлаш қобилиятлари ривожланиши негизида бўлажак касбий фаолиятга оид бошланғич кўникмалар шакллантирилиб, ўқув-тарбиявий жараёни амалиёт билан бевосита боғлаб олиб боришни таъминлайди. Шунинг учун ҳам у, ривожлантирувчи ўқитишнинг юқори самарали усуллари билан бири бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади:** “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг долзарб муаммолари ҳамда талабаларнинг ўз касбий кўникмаларни ривожлантириш борасида таълим жараёнида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш, таълим тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий этишнинг назарий, амалий ва методик жиҳатларини ўрганишдир.

**Тадқиқотнинг вазифаси:** Тадқиқотни мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

1. Мавзу юзасидан иқтисодий ва педагогик адабиётлар таҳлили.
2. «Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари» мавзусини ўрганиш ва иқтисодий дунёқарашини шакллантириш муаммосига доир инновацион педагогик технологияларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;
3. Таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларининг афзаликларини асослаб бериш.
4. Таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларининг замонавий таълим-тарбия жараёнидаги ўрнини аниқлаш.
5. Дарс бериш жараёнида ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда инновацион педагогик технологияларидан фойдаланишнинг амалий ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти:** Самарқанд иқтисодиёт коллежининг таълим жараёни.

**Тадқиқот предмети:** Касб-ҳунар коллежининг иқтисодий таълим жараёнига инновацион педагогик технология усуллари татбиқ этиш, талабаларда иқтисодий дунёқарашини шакллантиришда фаол ўқитиш методларининг амалий ва методик жиҳатларини кўрсатиб бериш. Инновацион педагогик технологияларни қўллаш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни таҳлил қилиб, унинг ечимини топишга ҳаракат қилинди.

**Асосий ишчи илмий тахмин:** «Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари» мавзусини ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг усулларини қўллаб, қисқа вақт ичида каттагина ҳажмдаги билимларни талабаларга етказиб бериш, ноанъанавий дарс жараёнини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш ва дарснинг самарадорлигини оширишни кўзда тутади деган тахминга келинди.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси.** Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонуни тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва ноанъанавий таълим усулларини ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижасида республикамиз таълим муассасаларида «Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари» мавзусини ўқитишда мавжуд камчиликлар ва ютуқлар ўрганилди. Натижада ушбу мавзунини ўқитиш, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот материаллари “Инновацион педагогик технологияларни жорий этиш” ҳамда “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари бўйича маъруза матни тайёрлашда ҳамда касб-ҳунар коллежларида методик амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

«Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари» мавзусини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди;

Касб-ҳунар коллежларида иқтисодчи мутахассисларни тарбиялашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий-услубий тавсиялар берилди.

**Битирув малакавий ишимнинг таркибий тузилиши.** Битирув малакавий иш: кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Биринчи боб - бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилишининг назарий асослари тўғрисида. Иккинчи боб - инновацион педагогик технологияларни ривожланиш ва билимларни ўзлаштириш ҳолати ҳақида. Учинчи боб - “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг амалий ва методик кўрсаткичлари ҳақида.

# **I-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1-§. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари**

Миллий иқтисодиётнинг соҳалар ва тармоқлар буйича таркибий тузилишини оптималлашатириш, пировард натижада миллий иқтисодиётнинг юқори суръатлар ва барқарор ўсишини таъминловчи истиқболли, сердаромад тармоқларини ривожлантиришга устун аҳамият қаратиш, турли воситалар ва механизмлар ёрдамида уни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган Ғарб давлатларининг ижобий тажрибаси аниқ мўлжалга йўналтирилган таркибий ислоҳотлар катта самара бериши тайинлигидан, истиқболли тармоқларни устун ривожлантириш миллий иқтисодиётни тарққиётнинг равон йўлига олиб чиқиши муқаррарлигидан далолат беради. Шу сабабли иқтисодиётнинг тармоқлар буйича оқилона, иқтисодий ўсишга катта ижобий таъсир кўрсатишга молик таркибий тузилмасини шакллантириш давлат макроиқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири сифатида тан олинган. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, унинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига рақобатбардошлилигини ошириш 2017-2021 йилларда ва ундан кейинги босқичларда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни таркибий ўзгариш асосида унинг мутаносиблигини ва барқарорлигини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилишининг қандай сабаблари бор, нима учун иқтисодий тараққиётнинг кизгин палласида миллий иқтисодиётни таркибий ўзгартиришга зарурият пайдо бўлди, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мамалакатда қайси тармоқларни ривожлантириш долзарб ҳисобданади?

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муайян қонун ва қонуниятларга бўйсунган ҳолда тебранишли, нотекис, ташқи ва ички омилларнинг кучли ва қўпёклама таъсири остида амалга ошади. Ушбу жараёнда иқтисодиёт мазмун жиҳатидан ҳам, таркибий жиҳатдан ҳам ўзгаради, такомиллашади, жамият олдида турган мақсад ва вазифаларга, унинг эҳтиёжларига, унда юзага келган муҳит ва вазиятга мослашади. Иқтисодиёт соҳасида доимо содир бўладиган бундай ўзгаришлар, бир томондан, иқтисодий ривожланишда муқаррар тарзда вужудга келадиган қийинчилик ва муаммоларни ечиш, тараққиётдаги ноқулай вазиятдан чиқишга кўмаклашса, иккинчи томондан, келажакда,

тараққиётнинг эндиги босқичларида иқтисодий тартиқ барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг асосий шарти ва кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, унда белгиланган чора-тадбирлар, мақсад ва устувор вазифалар мамлакатда ишлаб чиқариш муносабатларида юзага келган ҳамда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган зиддиятларни, тўсиқларни, нуқсон ва камчиликларни бартараф этишга, уни барқарор ва жадал ривожланишнинг рагон ва истиқболли йўлига олиб чиқишга қаратилган муҳим дастурий ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисида” ги Фармонда (2017 йил 7 феврал ПФ-4947 сон) мустақиллик йилларида миллий иқтисодийда маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимга ўтганлигини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратилганлигини эътироф этган. Давлат раҳбари ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишини фармонда қўйидагича изоҳлаган: “Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тоқозо этмоқда<sup>1</sup>”. Лекин, аслида, янги ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамияти хийла чуқур бўлиб, у нафақат иқтисодий тартиқ ривожлантириш учун янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқиш ва уларни рўёбга чиқаришни назарда тутди. Кенг маънода, ушбу Фармон иқтисодий тартиқ давлат томонидан бошқарув тизимини тубдан янгилаш, ундаги мавжуд ва айни пайтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожига халақит бераётган зиддият ва тўсиқларни бартараф этиш асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тартиқнинг дунё ҳамжамияти учун ибрат бўла оладиган даражаларига олиб чиқишни, оддий халқ манфаатлари устун аҳамият касб этувчи мукамал тартиқ моделини яратишни ва амалиётга тадбиқ этишни назарда тутди. Ўзбекистон миллий иқтисодий тартиқ таркибий ўзгартириш сиёсатида унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини

---

<sup>1</sup> 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий мақола. [Матн]/Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодий университетини. – Т.: “Маънавият” нашриёти, 2017. – 244 бет.

кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Барча тармоқлар ривожланиши бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши демакдир.

Бозор иқтисодиёти – бу товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир<sup>1</sup>. Бундай иқтисодиёт эркин товар-пул муносабатларига асосланиб, унинг негизида товар ва пулнинг турли шакллардаги ҳаракати ётади, у иқтисодий монополизмни инкор этади. Айрим адабиётларда бозор иқтисодиёти – бозор хўжалиги субъектлари иқтисодий ҳатти-ҳаракатларининг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг товар-пул механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви деб баҳо берилади. Бозор иқтисодиётида бозор алоқалари бутун тизимни, унинг барча босқичлари – ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол жараёнларини ҳамда иқтисодий муносабатларнинг барча субъектларини камраб олади.

Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, ҳозирги шароитда ўртача ривожланган иқтисодиётда 24 млн.дан ортиқ турдаги товарлар мавжуд бўлиб, ҳар йили уларнинг 1/10 қисми янгиланиб туради. Бундай шароитда бозорнинг иштирокисиз товар турлари ва ҳажми бўйича талаб ва таклифни тартибга солишни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу эса бозорнинг вазифасини ҳеч қандай марказлаштирилган режалаштириш идоралари муваффақиятли бажара олмаслигининг яққол далилидир. Бозор иқтисодиёти эса энг самарали ва муаммоларни тезлик билан ҳал эта олувчи ижтимоий-иқтисодий тизим ҳисобланади.

Ҳамманинг иши бозорда битади, чунки у ердан пулга барча керакли истеъмол буюмлари ва ресурсларни топса бўлади. «Ҳамма нарсанинг отаси ҳам бозор, онаси ҳам бозор» деган гапнинг маъноси мана шунда. Ҳамма ишнинг бозорда битиши унинг афзаллиги бор дегани. Хўш, бу афзаллик нимада? Бу бозор алоқаларининг иқтисодий жиҳатдан қулай бўлишида, албатта. Гап шундаки, ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқаргандан кўра, бир хил маҳсулотни чиқариб, бошқасини сотиб олиш нафли бўлади. Товар яратувчининг меҳнати ихтисослашган бўлади, яъни ишлаб чиқарувчилар фақат у ёки бу товарни ишлаб чиқариш билан машғул бўладилар, натижада касбларнинг тури кўпайиб боради. Масалан, XXI асрга келиб ер юзида 20 мингдан зиёд касблар пайдо бўлдики, улар билан машғул кишилар 60 триллион доллардан зиёд маҳсулот ва хизматларни яратдилар, булар ғоят хилма-хил товарлар бўлиб, уларни ишлаб чиқарувчилар бозор орқали бир-бирига етказиб берадилар.

---

<sup>1</sup> Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 2013й. 78 б




Ҳозирги дунёда, айниқса, Ғарб мамлакатларида иқтисодиёт ҳақида гап кетганда, фақат бозор иқтисодиёти англанади. Ҳозирги замон назарияларида бозор иқтисодиёти деганда иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви тушунилади. Бозор иқтисодиёти ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Унинг моҳиятини англаш учун унга хос туб белгиларни яхлитликда олиб қараш керак. Бу белгилар шаклланиб улгурган, аралаш иқтисодиётга айланган бозор иқтисоди шароитида вужудга келади, ҳозирги энг ривожланган мамлакатларда аниқ кўринади.

Бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари мавжуд:(1-чизма)

1.Иқтисодий мустақил мулк эгаси ёхуд истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

2. Фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбиркорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар;

3. Давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар. (1-чизма)



**1-чизма. Бозор иқтисодиётининг субъектлари**

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси мулк шакллари ва хўжалик юритиш усуллариининг турли-туман бўлишидир.

Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма-ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Турли мулклар мувозанатда бўлиб, айрим мулк шаклининг ҳукмронлигига йўл берилмайди. Хўжалик юритиш усуллари ҳам ҳар хил бўлади. Якка тартибда, жамоа-уюшмага бириккан ҳолда, шерикчилик-пайчилик ёхуд акционерлик асосида, ўз маблағига ёки қарзга олинган маблағга таяниб хўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар биргаликда боради. Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин»,<sup>1</sup> – дейилган.

Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг мулк объекти бўлиши, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади, бунга у ҳақли. Ҳар бир корхона, ташкилот, кичик бизнес билан шуғулланувчилар, фермерлар, айрим фуқаролар ўз ихтиёрига кўра, ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан алоҳида бўлади, чунки улар, биринчидан, мулк эгалари, иккинчидан, меҳнат тақсимоти асосида ихтисослашиб, ҳар хил иш билан шуғулланадилар. Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар. Аммо уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин, барибир бозор орқали бир-бирига боғланади. Бозор иқтисодиёти эркин бўлганидан, у ҳар қандай иқтисодий монополизмни инкор этади.

Иқтисодий монополизм<sup>2</sup> – корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг умуман иқтисодиётда ёки унинг бирор соҳасида танҳо ҳукмронлик қилиши. Иқтисодиётдаги монополизм ишлаб чиқаришнинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

<sup>2</sup> Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. – 728 б.

Ўзида, савдо-сотикда, кредит-банк тизимида ёки истеъмол доирасида мавжуд бўлади. Иқтисодиётдаги монополизмнинг таянчи муайян мулк шаклининг танҳо ҳукмронлигидир. Бундай мавқе эса сиёсий ҳокимият ва ғоявий соҳадаги монополизмни юзага чиқаради. Иқтисодий тараққиётга йўл очиш учун иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш зарур, чунки монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қилади, ҳукмрон мавқега таяниб, сарфларни камайтирмай, фойда кўриши мумкин, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб, бозорда ўз измини ўтказиши мумкин. Монополия турғунликни юзага чиқаради, ташаббусни чегаралайди. Шу сабабли бозор иқтисодиёти у билан чиқиша олмайди. Мана шу жиҳатдан бозор иқтисодиёти антимонопол йўналишга эга. Шу боис, давлат рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистонда давлат томонидан иқтисодий монополизмни чеклаш, умуман антимонопол йўл тутишга мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътибор қаратилди. Чунки бу сиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра:

- бозорда сунъий тақчиллик ҳосил этиш;
- нархларни монополлаштириш;
- рақобатларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш;
- рақобатнинг фирмом усулларини қўллаш ман этилади.

Бироқ мазкур қонун молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган. Бу эса ўз навбатида, мазкур соҳада рақобатга қарши ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан пораларни амалга оширишга имкон бермоқда. 2016 йил 6 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонунда товар ва молия бозорларида рақобат соҳадаги муносабатларни тартибга солиди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар манфаатларни кўзлаган ҳолда ўрнатилади. Иш юзасидан бўлган муносабатлар (шериклик) эркин шаклланади. Турли ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан манфаатли алоқа ўрнатадилар. Бозорда эса харидор билан сотувчи бир-бирини эркин танлайди. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказди, товар ва хизматларни сифатига ва нархига қараб танлаб олиш имконига эга бўлади.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси – нархларнинг либераллашуви, яъни нарх-навонинг эркин ташкил топишидир. Товарлар

нархини давлат юқоридан белгиламайди, нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи тазйиқи остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашувига биноан юзага келади. Бозор муносабатига келишилган нархлар хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти, пул эмиссияси, кадр-қиймати, инфляция, валюта курси каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида, унинг иқтисодий механизмида (2-чизма) рақобат асосий ўрин тутаяди.



**2-чизма. Бозор иқтисодиётини тартибга солиш механизми**

Рақобат иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг хусусий, ўзгаларниқидан алоҳидалашган манфаатини билдиради, лекин бу манфаат йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисобланади<sup>1</sup>. Манфаатларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли талабгир, яъни жамият учун зарур товарларни ишлаб чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатиш кўплаб ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ундайди. Шу жиҳатдан рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга солувчи воситадир. Рақобат иқтисодиётни тартибловчи ва назорат қилувчи куч ҳисобланади. Рақобатлашувчи кучлар мувозанатда бўлиб, улардан биронтаси ҳам монопол мавқега эга бўлмайди. Эркин рақобат чекланмаган иқтисодий эркинликни, хоҳлаган усулда курашни, ҳатто

<sup>1</sup> Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2006. – 480 бет.

монополия ҳосил этган ҳолда ўз билганича иш юритишни билдирмайди, чунки рақобатни давлат тартиблаб туради. Тартибланмаган рақобат иқтисодий эркинликка кафолат бера олмайди, иқтисодиётни монополлаштиришга интилишни жиловлаб тура олмайди, чунки у ўзбилармонлик бўлади.

Шаклланган бозор иқтисодиётида антимонопол кучлар юзага келиб, улар холис рақобатга йўл берган ҳолда монополлаштириш йўлини тўсади. Бозор иқтисодиётининг ҳамма субъектлари учун бир хил имконият яратилади, лекин улардан фойдалана олиш ишбилармонликка боғлиқ бўлади.

Иқтисодий шароит шундай бўладики, ҳар бир субъект учун рақобат қилиш шарти бу ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш бўлади. Субъектлар бозорга чиққан эҳтиёж қондирилганда, зарар кўрмасликни фойда олиб ишлаганда, бошқаларга тобе бўлмасликни билган ҳолда рақобатга кириша оладилар. Ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиш рақобатга енгилмаслик шарти ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиётида, биринчидан, манфаатлар тўқнашиб рақобат юз берса, иккинчидан, субъектлар ўз фаолиятини, бинобарин, манфаатларини ҳам мувофиқлаштиришга интиладилар<sup>1</sup>. Акс ҳолда, уларнинг иши юришмайди. Субъектланиши ва яқинлашиб ўз хатти-ҳаракатларини мослаштириши бу иқтисодиётнинг икки зиддий томонидир. Рақобат иқтисодий субъектларнинг ажралиши бўлса, интеграция уларни бирлаштиради. Интеграциянинг зарурлиги ҳам доим рақобат қилавермай, муросага келиш, шу йўсинда манфаатларни мослаштиришни талаб қилади. Гап шундаки, ишлаб чиқаришдаги ўзаро боғлиқлик кучайиши билан интеграциялашмай туриб яхши фойда кўриш қийинлашади. Мана шу ўзаро боғлиқлик айрим иқтисодий субъектларга монопол мавқе бермайди. Бинобарин, интеграция ва эркин рақобат монополлашувга йўл қўймайди. Замонавий бозор иқтисодиётида субъектларнинг ўзаро алоқалари тасодифий эмас, балки улар мунтазам бўлиб, барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу алоқалар негизда ётган нарса ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви, корхоналар ва тармоқларнинг бир-бирига интеграция орқали боғланиб қолишидир. Шу тўғрисида миқдорлар ўртасида тижорат алоқалари бозорда бир марта юз берадиган олди-сотди билан тугалланмай узоқ давом этади. Бу алоқаларни юзага чиқарувчи муҳим омил иқтисодий субъектлар ўртасидаги ишонч ҳисобланади, бу ҳалол рақобат шароитидагина бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётида рақобатга хос бўлмаган муносабатлар ҳам келиб чиқади. Масалан, маркетинг (ишлаб

---

<sup>1</sup> Шодмонов Ш., Фафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2008. – 320 бет.

чиқаришни бозор билан боғлаш) орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади. Бунда сотувчи билан харидор рақобати ўрнига ўзаро маъқул алоқа ўрнатилади. Харидорга керакли товар етказиб берилади, нарх эса сотувчи учун қулай бўлади. Бу ерда манфаатларнинг уйғунлашуви юзага чиқади. Ишчиларнинг ўзаро иш ўрни, хўжайинларни ишчилар билан ишга ёллашни қулайлиги учун кураши ўрнига иш топиб бериш, яхши иш билан таъминлаш муносабати пайдо бўлади. Масалан, фирма ишчига янги касбни олишга моддий кўмаклашади, токи у ишсиз қолганда, янги ишга жойлаша олсин. Давлат иқтисодий субъектлар муносабатига аралашиб, уни тартиблайди. У қонун йўли билан монополияни чеклайди, рақобатнинг ҳалол боришини таъминлайдиган қоидаларни жорий этади. Индивидуал мулк соҳиблари ҳадеб курашавермай, акционер жамиятга (шерикчилик ширкатига) бирлашадиларки, натижада уларнинг манфаати умумий бўлиб қолади. Бозор иқтисодининг субъекти бўлган ишчилар ҳам акция сотиб олиб, мулкнинг шериги-эгасига айланадилар. Фойда кўриш борасида уларнинг манфаати капитал эгалари манфаати билан яқинлашади. Демак, бозор иқтисодиётида рақобатдан бошқача, ҳамкорлик муносабатлари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти ўзининг регуляторларига эга.

Бозор регуляторлари – бозордаги ўзгаришни ишлаб чиқаришга етказиб, унинг бозорга мослашувини таъминловчи воситалардир<sup>1</sup>. Албатта, улар маъмурий эмас, балки иқтисодийдир. Улардан энг муҳими бозор нархидир. Нарх ошиб, товарлар жадал сотилса, фойда кўпаяди, улар кўпроқ ишлаб чиқарилади. Товарлар нархи пасайиб, улар яхши ўтмаса, ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки ундан тамомила воз кечиш керак бўлади.

Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти, бу корхонами, давлатми, айрим кишими – бунинг аҳамияти йўқ, ўз манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатади. Аммо, кўр-кўрона хоҳлаган ишини қила олмайди. У бозор билан ҳисоблашишга мажбур, акс ҳолда иши юришмайди, даромад топмайди, хонавайрон бўлади. Ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам нима қилиш кераклигини бозордаги нарх кўрсатади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишга эга, лекин бу унинг ўз табиатидан келиб чиқмайди, балки унинг аралаш иқтисодиёт тарзида ривожланиши натижасидир. Хилма-хил мулкчилик, меҳнаткашларнинг мулк эгасига айланиши, ишлаб чиқаришнинг тўқинчиликни таъминлай олиши каби янги

---

<sup>1</sup> Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 916 стр.

ходисалар аралаш иқтисодиётга хоски, улар ижтимоий кафолатларни юзага чиқаради. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ижтимоий адолат қоидалари бор. Иқтисодиётдаги ресурслар миқдори, уларнинг самарасига қараб ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига чиқиш адолат ҳисобланади. Аммо, адолат принципи ҳаммани бир қилиш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар меҳнатига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади, шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бир хил бўлмайди. Табақаланиш, бойларга ҳавас қилиб, шундай бўлишга интилишни ҳосил қилади, бу эса яхши ишлашга ундайди. Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий муносабатларки, улар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирувчи кучни юзага чиқаради. Бозор регуляторлари моддий, меҳнат ва молия ресурсларини керакли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш томон буради. У беҳуда меҳнат сарфини ҳеч қачон тан олмайди, аксинча, унга йўл қўйганларни иқтисодий жиҳатдан жазолайди, яъни улар зарар кўради.

Бозор иқтисодиёти мослашувчан иқтисодий тизимдир. У шароит ўзгаришларига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шуни дарҳол ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг муҳим белгиларидан яна бири новацияга мойилликдир. У фан-техника янгиликларини дарҳол қабул қилади, янги товарларни, янги технологияни ва ишлаб чиқаришни бошқариш усулларини жорий этишни таъминлайди, чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш, обрў-эътибор орттириш шарти бўлиб хизмат қилади.

Бозор тизими, ресурсларни, аввало юқори талаб ва фойда даражасига эга тармоқларга йўналтиради. Паст фойда даражасига эга ёки фойда олмайдиган тармоқлар иқтисодий ресурслардан маҳрум бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида энг замонавий технологияни қўллашга лаёқатли бўлган ва шунга интилган корхоналар самарали фаолият кўрсата олади. Корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ: мавжуд технология, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи ресурсларнинг оқилона уйғунлашуви даражаси ҳамда иқтисодий ресурсларнинг нархлари. Бошқача айтганда, иқтисодий самарадорлик маҳсулотнинг муайян ҳажмини ишлаб чиқаришга ресурсларни энг кам даражада сарфлаган ҳолда эришишни билдиради.

Бозор иқтисодиёти ўзгарувчан бўлади: у истеъмолчилар, ишлаб чиқариш технологияси, иқтисодий ресурслар таркиби ўзгаришига мувофиқ ҳолда ўзгаради. Айни пайтда ресурсларни тақсимлашнинг анча самарали ҳисобланган тизими вақт ўтиши билан истеъмолчи дидининг ўзгариши,

ишлаб чиқариш янги технологиясининг яратилиши ва таклиф қилинган ресурслар таркибининг қайта ўзгариши оқибатида эскириши ва самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

Истеъмолчи дидидаги ўзгаришларнинг маҳсулот нархи ва фойдага таъсири айрим тармоқларни қисқартириш ва бошқаларини кенгайтиришни тақозо қилади. Бу ўзгартириш ресурслар бозори орқали амалга оширилади, чунки кенгайиб боровчи тармоқ ресурсларга кўпроқ талаб билдирса, қисқариб боровчи тармоқ уларга талабни камайтиради. Бунинг натижасида вужудга келувчи ресурс нархларининг ўзгариши, ресурсларни қисқарувчи тармоқлардан кенгаювчи тармоқларга қайта тақсимлайди.

Демак, бозор тизими технологиянинг ўзгариши ва ҳар хил ресурслар таклифи таркибидаги ўзгаришларга мослашади.

Бозор иқтисодиёти фан-техника тараққиётини рағбатлантиради. Биринчи бўлиб тежамли технологияларни қўллаш корxonанинг ўз рақобатчилари олдидаги вақтинчалик устунлигини таъминлайди. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши корxonанинг иқтисодий фойда олишини билдиради. Бундан ташқари, бозор тизими янги технологиянинг тез тарқалиши учун шароит ҳам яратади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корxона юқори фойда бериши мумкин бўлган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқаришни амалга оширадилар.

Мавжуд иқтисодий тизимлар орасида бозор иқтисодиёти ўзининг афзалликлари билан ажралиб туради. Айнан шу афзалликлар мазкур иқтисодий тизимнинг самарали ва барқарор амал қилиши, ривожланишига замин яратади. Энг аввало, бозор иқтисодиётининг учта устун жиҳатини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.<sup>1</sup>

1. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги. Бозор тизими ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради. Бунинг мазмуни шуки, рақобатли бозор тизими ресурсларни жамиятга энг зарур бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. У ишлаб чиқариш учун ресурсларни уйғунлаштиришнинг анча самарали усулларини ва ишлаб чиқаришга янги, анча самарали технологияни қўллашни тақозо этади. Қисқаси, бозор тизими шахсий манфаатни шундай тартибда бошқарадики, у жамият учун мавжуд ресурслардан зарур товарларни талаб даражасидаги миқдорда ишлаб чиқаришни таъминлайди.

2. Иқтисодий фаолият ва танлов эркинлиги. Бозор иқтисодиёти тизимининг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у шахсий эркинлик ролига устиворлик беради. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг

---

<sup>1</sup> Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 2015 й. 78 б



асосий муаммоларидан бири бўлиб алоҳида шахс ва корхоналар иқтисодий фаолиятини уйғунлаштириш ҳисобланади. Бундай уйғунлаштиришни амалга оширишнинг икки усули мавжуд. Биринчиси – марказдан бошқариш ва мажбур қилиш тадбирларини қўллаш бўлса, иккинчиси – бозор тизими воситаси орқали ихтиёрий ҳамкорликдир. Фақат бозор тизимигина иқтисодий фаолиятни мажбур қилмасдан уйғунлаштиришга лаёқатлидир. Бозор иқтисодиёти тадбиркорлик ва танлаш эркинлигини намоиш қилиб, айнан шу туфайли у муваффақиятга эришади.

3. Иқтисодий субъектлар тинимсиз ҳаракат ва изланишларининг таъминланиши. Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги шундаки, унда ҳар бир шахс, корхона, фирма ва корпоратсиялар тинимсиз ҳаракатда ва изланишда бўлишади. Чунки хўжасизлик, сусткашлик, беғамлик ҳар қандай хўжалик тизимини хонавайрон қилишга олиб келади. Жисмоний ва юридик шахслар рақобатга бардош бериш, доимий равишда фойда олишни таъминлаш учун курашади. Натижада бозор иқтисодиёти миллион-миллион кишиларни ҳаракатга солади, уларни боқимандалик кайфиятидан қутқаради.

Бозор иқтисодиётнинг юқорида кўриб чиқилган асосий афзалликлари билан бир қаторда бошқа кўплаб ижобий жиҳатларини ҳам санаб ўтиш мумкин. Жумладан:

- унинг ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан шароитларига мослашуви ва кўникишининг юқори даражаси;
- фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг жадал суръати;
- турли-туман эҳтиёжларни қондириш, маҳсулот сифатини ошириш қобилияти;
- бузилган мувозанатни нисбатан тезлик билан қайта тиклаш;
- чекланган ахборот – турли ресурсларнинг нарх даражаси ва уларнинг сарфланиш даражасига йўналган ҳолда бозор иқтисодиётининг муваффақиятли амал қила олиш имконияти.<sup>1</sup>

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётининг ҳам ўзига хос камчилик ва зиддиятлари мавжуд. Бозор иқтисодиётининг асосий зиддияти шундан иборатки, у ўзининг бош назорат механизми — рақобатнинг кучсизланишига йўл қўяди ва ҳатто буни рағбатлантиради. Бундай иқтисодиётда рақобат кучсизланишининг иккита асосий манбаи мавжуд:

1) бозор иқтисодиёти шароитидаги эркин муҳитда тадбиркорлар фойда кетидан қувиб ва ўз иқтисодий мавқеларини яхшилашга интилиб, рақобатнинг чекланган йўлидан озод бўлишга ҳаракат қиладилар.

---

<sup>1</sup> Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада. - М.: ИНФРА-М, 2009. – 416 стр.

Фирмаларнинг қўшилиб кетиши, компанияларнинг хуфёна келишуви, рақобатлашувнинг ноқонуний усуллари (масалан, жисмоний куч ишлатиш, зўравонлик, тазйиқ ўтказиш ва ҳ.к.)ни қўллаш – буларнинг барчаси рақобатнинг кучсизланиши ва унинг тартибга солувчилик таъсирининг пасайишига олиб келади;

2) бозор тизими рағбатлантирадиган техника тараққиёти ҳам рақобатнинг заифлашишига олиб келади. Энг янги технология, одатда: а) жуда катта миқдордаги реал капиталдан фойдаланишни; б) йирик бозорлар бўлишини; в) комплексли, марказлашган ва қатъиян бир бутун бўлиб бирлашган бозорнинг таркиб топишини; г) бой ва ишончли хомашё манбаларини талаб қилади. Бундай технология бозорнинг ҳажмига нисбатан кенг миқёсдаги ҳисобланувчи ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлиши зарурлигини билдиради. Бошқача айтганда, энг янги технологияни қўллаш асосида ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигига эришиш, аксарият ҳолларда кўп миқдордаги майда фирмалар эмас, унча кўп бўлмаган йирик ишлаб чиқарувчилар мавжуд бўлишини тақозо қилади.

Бозор тизими жамиятнинг юқори эҳтиёжли товарлар билан таъминланишига ҳам кафолат бермайди. Рақобатнинг кучсизланиб бориши истеъмолчининг эркинлигига ҳам путур етказиши. Бозор тизими ўзининг истеъмолчининг хоҳишига анча мос келувчи ресурсларни тақсимлаш лаёқатини ҳам йўқотиб бориши мумкин.

Бозор иқтисодиётнинг навбатдаги зиддияти жамият аъзолари даромадларидаги тенгсизликнинг кучайиб бориши ва аҳолининг табақаланиши билан боғлиқ. Бундай иқтисодиёт ҳар қандай юксак даражада ривожланмасин даромадлар тенгсизлигини бартараф қила олмайди, фақат уни маълум даражада юмшатиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг умумий эътироф қилинган камчиликларидан яна бири шундан иборатки, у ижтимоий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф қилишга қодир эмас. Шу сабабли жамият аъзоларини бундай неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш давлат зиммасида бўлади.

Демак, бозор иқтисодиётининг муҳим ва умумий белгилари куйидагилардан иборат:

- турли шакллардаги мулкчиликнинг мавжуд бўлиши ва унда хусусий мулкчиликнинг устун туриши;
- тадбиркорлик ва танлов эркинлиги;
- рақобат курашининг мавжудлиги;
- давлатнинг иқтисодиётга чекланган ҳолда аралашуви;

- корхона ва фирмаларнинг ички ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришларига мослашувчанлиги.<sup>1</sup>

Бозор иқтисодиётининг бу белгилари унинг барча босқичлари учун умумийдир. Лекин бозор иқтисодиётининг мазмуни ва белгилари ҳақида гап борганда бу иқтисодиётнинг тарихан таркиб топган икки турини бир-биридан фарқ қилиш зарур. Унинг биринчи кўриниши узоқ вақт давомида шаклланиб, ғарбдаги ривожланган мамлакатларда XIX асрнинг охиригача давом этиб келди. У иқтисодий адабиётларда классик ёки соф бозор иқтисодиёти деб ном олди. Унинг асосий белгилари: а) иқтисодий фаолият юритишнинг хусусий мулкчиликка асосланганлиги; б) капитал ва ишлаб чиқаришнинг корхона миқёсида умумлашганлиги; д) тадбиркорлар, ишчилар, товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг шахсан эркинлиги; э) тадбиркорларнинг юқори фойда олиш учун курашлари; ф) иқтисодиётнинг талаб ва таклиф, эркин бозор нархи ва рақобат курашлари асосида тартибланиши; г) аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинмаслиги, ишсизликнинг ва аҳоли ижтимоий табақалашувининг кучайиши.

Қисқача хулоса қилинадиган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида «нима, ким учун ва қандай қилиб ишлаб чиқариш зарур» деган муаммога куйидагича жавоб берилади:

а) юқори фойда берадиган товарлар ва хизматлар барча тўловга лаёқатли истеъмолчилар талабига етарли ҳажмда ишлаб чиқарилади;

б) товар ва хизматлар тўлов лаёқатига эга, юқори фойда олиш имконини берадиган харидорлар учун ишлаб чиқарилади;

д) юқори фойда олишни таъминлайдиган, ресурсларни тежаш имконини берадиган техника ва технология ёрдамида ишлаб чиқарилади.

## **1.2-§.Бозорнинг мазмуни ва вазифалари**

Бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади. Товар-пул муносабатлари товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир<sup>2</sup>. Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф-харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги. таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий сарфга келтирилиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариши каби алоқаларни

<sup>1</sup> Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. – 87 б.

<sup>2</sup> Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 2013й. 78 б

билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда, бозорга қараб товарларни яратадилар, бозор талаби қондирилганда даромад топадилар. Яратилган товарларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айна бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари керакли товарлар зарурий миқдорда ва келишилган нархда айирбошланишини билдиради. Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади. Пул муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, унинг бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади.

Товар-пул муносабатлари товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир.<sup>1</sup> Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф-харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги. таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий сарфга келтирилиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариши каби алоқаларни билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда, бозорга қараб товарларни яратадилар, бозор талаби қондирилганда даромад топадилар. Яратилган товарларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айна бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари керакли товарлар зарурий миқдорда ва келишилган нархда айирбошланишини билдиради. Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади. Пул муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, унинг нуфузи юқори бўлади. Товар-пул муносабатлари умуминсоний ҳодиса, улар турли тизимларга хос, уларни бир-бирига боғлаб туради. Аммо бу муносабатлар юксак даражада ривож топганда бозор иқтисодиётига айланиши назариётчилар томонидан тан олинган.

Иқтисодиётнинг нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш зарур, деган азалий муаммоси бозорда аниқланади<sup>2</sup>. Шу сабабли бозор тизими қонун-қоидаларини ўрганишни бозордан бошлаш керак ва энг аввал бозорнинг ўзи нималигини аниқлаш керак, сўнгра унинг турлари кўриб чиқилади.

Ишлаб чиқаришда яратилган турли-туман маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларга тўғридан-тўғри эмас, балки бозор орқали етиб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 140 б.

<sup>2</sup> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. / ЎИА, №2, 2016. 97-99 б.

боради. Бозор ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди, чунки ҳеч бир нарса текинга берилмайди, уни бозорда пулга сотиб олиш талаб қилинади.

Бозор – бу харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир<sup>1</sup>.

Бозорга товар эгаси уни сотиш учун, харидор эса уни олиш учун чиқади. Сотувчилар – бу товар ишлаб чиқарувчи фирмалар, фермер хўжаликлари, якка тарзда ишлаб чиқарувчи кишилардир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар, яъни хонадонлар, ресурсларни олиб ишлатувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилар бўлади. Агар аҳоли бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олса, фирмалар ва якка тартибда ишловчилар асбоб-ускуна, машиналар, ёқилғи, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиб оладилар. Бозорда товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади. Бир товар пулга айирбошланса, шу пулга қайтадан бошқа товар сотиб олинади. Товар пулга айирбошланганда (Т-П бўлганда) сотиш операцияси, пул товарга айирбошланганда (П-Т) харид этиш операцияси юз беради.

Демак, бозор муносабатларида ҳам товарлар, ҳам пул ишлатилади (3-чизма). Шунинг учун буни товар-пул муносабати деб айтилади.



### **3-чизма. Товар айирбошлаш.**

Ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва хизматлар бозорда товар шаклига киради. Шунинг учун ҳам товар деганда, бозорда сотиш учун чиқарилган нарсалар тушунилади.

Бозор иқтисодиётининг ҳам, ҳар қандай иқтисодиёт каби ўз ривожланиш қонунлари мавжуд. Унга хос қонунлар тизимини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) умумиқтисодий, лекин бозор иқтисодиётида ҳам амал қилишда давом этган қонунлар;

б) фақат бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган қонунлар.

<sup>1</sup> Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт асослари. Илмий-оммабоп нашр. – Т.: ТДИУ, 2014. – 192 бет.

Бозор шунинг учун ҳам зарурки, у бир қатор фойдали функцияларни бажаради (4-чизма)<sup>1</sup>.



#### **4-чизма. Бозорнинг вазифалари**

1. Бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлаш функциясини бажаради. Товар ҳаракати уни ишлаб чиқаришдан бошланиб, истеъмол билан тугалланади. Шу ҳаракатнинг қандай юз бериши бозорга боғлиқ. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришдан пировард мақсад истеъмол учун товар яратишдир. Бозор тизимида эҳтиёжлар товарларни пулга айирбошлаш орқали қондирилади, чунки товар ишлаб чиқариш бор жойда маҳсулотлар ва хизматлар бозордан ўтмай туриб, тўғридан-тўғри истеъмолга келиб тушмайди. Товарларни албатта бозордан сотиб олиш зарур.

2. Бозор ишлаб чиқаришнинг қайтадан янгиланиб туришига, яъни узлуксиз юз беришига шароит ҳозирлайди. Бозорда товарлар сотилгач, уларнинг эгаси қилган харажатларининг пулини чиқариб олиш билан биргаликда фойда ҳам кўради. Товари сотишдан тушган пулга бозорнинг ўзидан ресурслар олиниб, уларнинг ўрни қопланади, улар миқдоран кўпаяди, яъни ишлаб чиқариш омиллари янгидан ҳосил бўлади. Натижада иқтисодий фаолият такрорланади.

3. Бозор иқтисодий регулятор, яъни иқтисодиётни тартибловчи восита бўлиб хизмат қилади. Бунга бозор нархлари орқали эришилади. Нарх пасайган жойдан ресурслар чиқиб кетади, улар нарх ошган ерга оқиб ўтади. Бозор

<sup>1</sup>Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2010. – 728 б.

талабнинг ўзгаришига қараб нимани ва қанча ишлаб чиқариш кераклиги ҳақидаги сигнални (ахборотни) ишлаб чиқаришга етказди. Шунга биноан ресурслар тақсимланиб, керакли соҳаларга юборилади ва талабгир товарларни ишлаб чиқаришга эришилади. Мана шу жараёнлар бозор иқтисодиётини тартиблашда қатнашиб туришига далолат беради. Шунингдек, пулни ресурслар билан таъминлаб пул муомаласини барқарорлаштириш вазифасини ўтайди.

4. Бозор турли мамлакатлар, миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилади. Бозор муносабатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг етакчи соҳаси ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Европа давлатлари билан боғловчи қадимги савдо йўли – Буюк ипак йўлидир. Бу йўл орқали асосан ипак экспорт қилинганлиги сабабли «Ипак йўли» номи билан шуҳрат қозонган. Халқаро савдо-сотик орқали турли мамлакатлар ўртасида мунтазам алоқалар ўрнатилади, давлатлар иқтисодий жиҳатидан бир-бирига боғланади. Бозор ишлаб чиқаришнинг давлатлараро миқёсда аниқ ихтисослашувини, халқаро миқёсдаги талаб-эҳтиёжни мўлжалга олиб юритилишини тақозо этади. Хуллас, бозор халқаро алоқаларни ўрнатиш ва уларни кенгайтириш воситаси ҳам бўлади.

Бозорнинг ички тузилишига ҳар хил мезонлар жиҳатидан баҳо берилади. Бу мезонлар рақобат, бозор субъектларининг аҳволи, бозор объектининг характери, бозор муомаласининг миқёси, бозор алоқаларининг қонунийлиги кабилардир. Уларнинг орасида рақобат ва субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи асосий ўринда туради. Иқтисодий алоқалар характерига кўра бозорни икки турга ажратиш мумкин: а) эркин, мукамал рақобатли бозор; б) ному- каммал рақобатли, монополлашган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

Эркин бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлмайди, аксинча, улар доимо рақобатда бўлишади. Бозор иштирокчиларининг алоқаси эркин олди-сотди муносабатига асосланади.

Монополлашган бозор – бу озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон бўлган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман йўқ бозор.

Мазкур бозор 4 хил бўлади:

а) монопол рақобатли бозор – бу ерда кўп сонли корхоналар бозорни ўз қўлида тутиб туради. Улар товарларнинг асосий қисмини таклиф этадилар, аммо улардан айримлари ёки бир нечтасининг бозордаги ҳиссаси, уларга ҳукмронлик қилиш имконини бермайди. Бу бозор монопол бўлса-да, унда

рақобат бўлади, аммо у чекланган тарзда юз беради, яъни озчиликнинг рақобати шаклида бўлади. Бу билан у эркин бозордан фарқланади;

б) соф монополия бозори – бу ерда сотувчи монополияси бўлади, яъни харидорлар кўп бўлгани ҳолда сотувчи битта бўлади, харидорнинг мана шу танҳо сотувчи товари олишдан бошқа иложи бўлмайди;

в) олигополия бозори – бу ерда битта эмас, балки бир неча, аммо озчиликдан иборат сотувчилар ҳукмронлиги мавжуд бўлади. Товарларнинг асосий қисми мана шулар қўлида тўпланади, бу ерда ҳам сотувчи монополияси бўлади;

г) монополия бозори – бу ерда сотувчи эмас, балки харидор монополияси бўлади, яъни сотувчилар кўп бўлгани ҳолда харидор ягона бўлади. Монополия одатда ресурслар бозорида бўлади, бу ерда айрим корхоналар хом ашё, ёқилғи, иш кучи каби ресурсларнинг асосий қисмини сотиб олади. Агар монополия бозорида сотувчи харидорга ўз измини ўтказса, монополияда харидор сотувчига ўз ҳукмини ўтказди.

Бозорлар ўзининг объекти жиҳатидан, яъни нималар олди-сотди қилиниши жиҳатидан ҳам фарқланади. Шу ўринда истеъмол товарлари бозори, ресурслар бозори ва молия бозори ажратилади:<sup>1</sup>

Истеъмол товарлари ёки истеъмолчилар бозори. Бу бозорда кишиларнинг шахсий эҳтиёжини қондирувчи, яъни уларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган товарлар олди-сотдиси юз беради. Мазкур бозорга сотувчилар икки турдаги товарларни қўядилар. Биринчиси, моддий шаклдаги истеъмол товарлари бўлиб, буларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жиҳозлари, транспорт восита-лари (енгил автомобиль, велосипед, мотоцикл) кабилар киради. Иккинчиси, номоддий, яъни моддий кўриниши бўлмаган товарлар. Булар турли-туман хизматлардан иборат бўлиб, уларнинг моддий шакли бўлмайди. Хизматларнинг ўзи товарлашмаган ва товарлашган бўлади. Товарлашмаган хизматлар бепул хизмат бўлади, шу сабабли улар бозорга чиқмайди, бинобарин, олди-сотди объектига айланмайди. Булар жумласига хонадондаги ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ва бепул давлат хизмати (ўқитиш, даволаш, спорт, маданий хизмат) киради. Бозорга чиқарилган ёки товарлашган хизматлар пулли хизматлар бўлиб, улар ғоят хилма-хил бўлади. Булар таълим, тиббиёт, спорт, саёҳат, томоша, транспорт, маиший хизмат кабилардан иборат бўлади, уларни аҳоли сотиб олади. Бу хизматларнинг бозор объекти сифатидаги хусусияти шундан иборатки, уларнинг яратилиши ва истеъмоли бир вақтнинг ўзида юз беради. Масалан, костюм аввал тикилади, сўнгра бозорга чиқади, сотиб олинганидан кейин истеъмол этилади. Бундан фарқлироқ

<sup>1</sup> Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Шарк», 2016. – 80 бет.



шифокорнинг тиббиёт хизмати ёки ўқитувчининг таълим бериш хизматининг кўрсатилиши ва истеъмоли айнан бир вақтда юз беради. Концерт ижроси ва уни томоша қилиш, футбол ўйини ва уни кўриш ҳам бир вақтда юз беради. Хизматнинг моддий шакли бўлмаганидан уни яратиш ва истеъмол этиш қўшилиб кетади.

Истеъмолчилар бозорида энг кўп турдаги ва миқдори ғоят катта товарлар ва хизматлар олди-сотдиси юз беради, бу бозорнинг иштирокчилари мутлақ кўпчиликдан иборат бўлади. Мазкур бозорнинг Ўзбекистондаги аниқ кўриниши, бу мол бозори, деҳқон бозори, супермаркет, универмаглар, минимаркет, турли дўконлар (шоплар), концерт заллари, театр, кино-театр, стадионлар, спорт заллари, пулли касалхоналар, пулли ўқув курслари, шартнома билан ўқишдан иборатдир.

Истеъмолчилар бозорида, биринчидан, улгуржи савдо бўлса, иккинчидан чакана савдо қилинади. Улгуржи савдо бўлганда ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини воситачи савдо фирмалари ёки айрим савдогарга кўтарасига, яъни катта миқдорда сотадилар<sup>1</sup>. Булар ўз навбатида мана шу товарларни чакана савдода майдалаб истеъмолчиларга сотадилар. Бозорда ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг бевосита алоқа ўрнатиши ҳам бўлади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўз товарини чакана нархда истеъмолчининг ўзига сотади. Масалан, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ўзининг дўконида товарларини аҳолига сотади, бозорга келган деҳқон ҳам ўз маҳсулотини истеъмолчига чаканасига сотади.

Ресурслар бозори. Бу ерда хилма-хил моддий ресурслар ва иш кучининг олди-сотдиси юз беради. Бу бозорнинг иштирокчилари ресурсларни ишлаб чиқарувчилар ва уларни сотиб олувчи фирмалар, давлат идоралари ва хонадонлардан иборат. Бу бозорда моддий шаклга эга асбоб-ускуна, турли машиналар, хом ашё, бутловчи қисмлар, ёқилғи, электр энергияси, газ, кўчмас мулкни ташкил этувчи бинолар, иншоотлар ва ер олди-сотдиси юз беради. Мазкур бозорнинг махсус тури бу меҳнат бозори бўлиб, бу ерда моддий шакли бўлмаган товар, яъни иш кучи таклиф этилади.

Ресурслар бозорининг хусусияти шундан иборатки, бу ердан сотиб олинган товарлар шахсий истеъмол учун эмас, балки ишлаб чиқариш учун хизмат қилади. Ресурслар истеъмол товарларидан фарқлироқ икки хил усулда олди-сотди қилинади: 1) ресурслар тўла- тўқис сотиб олинади. Бунда улар сотувчи мулкидан харидор мулкига ўтиб истеъмол қилинади. Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида ресурслар сотилиб, улар ишлаб чиқаришда истеъмол этилди; 2) ресурсларнинг ўзи эмас, балки улардан

---

<sup>1</sup> Худокормов А.Г. Экономическая теория: Новейшие течения Запада. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 416 стр.

вақтинча фойдаланиб туриш ҳуқуқи сотилади. Бунда ресурс сотувчи мулки бўлиб қолади, лекин у ижарага олиб ишлатилади. Масалан, қимматбаҳо ускуна, кема, самолёт, машина, бино, иншоот ёки ер бутунлай сотиб олинмаган ҳолда, у ижарага олиниб, эгасига ижара ҳақи берилади. Моддий ресурслар бозори Ўзбекистонда Товар-хом ашё биржаси, савдо уйлари ва машина-ускуналар сотувчи фирмалар тимсолида гавдаланади. Унинг таркибий қисми бўлган меҳнат бозорининг хусусияти шундан иборатки, бу ерда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлган иш кучи сотилади. Бироқ у тамомила эмас, маълум вақтда ишлатиб туриш учун сотилади. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг икки тури амал қилади: биринчиси, меҳнат биржалари, бу ташкил этилган меҳнат бозори; иккинчиси, мардикор бозори, бу тартибсиз меҳнат бозоридир.

Молия бозори. Бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир. Бу бозорнинг махсус шакли бўлиб, бу ерда молия ресурслари, яъни пул ва даромад келтирувчи қимматли қоғозлар олди-сотдиси юз беради. Унинг таркибидаги пул бозори уч қатламли бўлади. Биринчиси, шахсий эҳтиёжни қондирувчи оддий пул бозори. Бу ерда пул тирикчилик буюмларини харид этиш учун ҳақини тўлаш шарти билан қарзга олинади, яъни ишлатиб туриш учун пул сотиб олинади. Масалан, мебель тўплами, автомашина ёки квартира олиш учун кишилар банкдан қарз оладилар. Бунда банк сотувчи, қарз кўтарган эса харидор мақомида бўлади. Иккинчиси, капитал бозори. Бунда пул тирикчилик юргизиш учун эмас, балки капитал сифатида ишлатиб фойда чиқариш учун қарзга сотиб олинади. Бунга мисол қилиб тадбиркор, фермер ёки деҳқон хўжалиги соҳибининг тижорат банкидан қарз олиб, буни ўз хўжалиги ривожига учун ишлатишини кўрсатиш мумкин. Капитал бозорининг ўзи икки хил бўлади, бу кредит бозори ва қимматли қоғозлар бозоридир. Кредит бозоридан (масалан, банклардан) тадбиркорлар кредитни (қарзни) сотиб олиб, уни капитал сифатида ишга кўядилар. Бозордан капитални жалб этишнинг яна бир шакли бу акция, облигация ва сертификатларни чиқариб сотишдир. Буларни чиқарганлар эмитент, сотиб олганлар инвестор дейилади. Эмитент сотувчи бўлса, инвестор харидор ҳисобланади. Ўзбекистонда кредит бозорини тижорат банклари, кредит ширкатлари ва улардан қарз олувчи мижозлар ташкил этса, қимматли қоғозлар бозори фонд биржаларидан, қоғозларни сақловчи депозитарийлардан иборатдир. Ўзбекистондаги фонд бозорининг иштирокчилари корхона, ташкилотлар, аҳолининг маълум қатлами, давлат идоралари ва турли воситачилар ҳисобланади.

Пул бозорининг учинчи, ўзига хос тури – бу валюта бозоридир. Бу бозорда турли мамлакатларнинг миллий пули – валюта олди

сотди қилинади. Унинг иштирокчилари корхоналар, турли ташкилотлар, давлат идоралари ва фуқаролар ҳисобланади. Улардан бири валюта сотса, бошқаси уни сотиб олади. Мазкур бозор банклар, уларнинг валюта айирбошловчи шохобчалари, валюта аукциони (ким ошди савдоси) шаклида намоён бўлади.

Интеллектуал товарлар бозори бозорнинг махсус тури бўлиб, ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланишини билдиради. Бу ерда сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар. Бу товарлар эгалари ёки улардан ваколат олган фирмалар бозорда сотувчи вазифасини бажаради. Харидорлар эса турли фирмалар, уюшмалар, давлат идоралари, ҳар хил ташкилотлар ва фуқаролар бўлади. Мазкур бозор кичик қисмлардан иборатки, улар илмий-техник ишланмалар бозори, кино бозори, тасвирий санъат бозори, мусиқа ва томошалар бозори, антиквар буюмлар бозори кабилардан ташкил топади. Интеллектуал товарлар бозорида илмий-техникавий ишланмалар олди-сотдиси катта ўрин тутади. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау (патент – янгиликни ишлатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат; лицензия – рухсатнома, ноу-хау – ишлатиш ҳуқуқи эгасида бўлган янгилик) сотишдан иборатдир. Бу ерда илмий-техникавий янгиликлар харидор мулкига айланиш шарти билан ёки ўз эгаси мулки бўлатуриб, вақтинча фойдаланиш шарти билан сотилади.

Бу бозор ишлаб чиқариш новациясига, яъни унга янгилик киритишга хизмат қилади, фан-техника ривожига таъсир этади. Илмий-техник ишланмалар бозоридаги муносабатлар кўпинча мамлакатлараро бўлади. Интеллектуал товарлар бозори энг динамик бозордир, у тез кенгаяди, янги-янги қисмларга ажралади. Бунинг сабаби иқтисодиётда интеллектуал меҳнат мавқеининг кучайишидир. Гап шундаки, ҳозирги бозор иқтисодиёти илмталаб ишлаб чиқаришнинг ўсиши, турли хизматлар, энг аввал ахборот хизмати аҳамиятининг кучайиши билан характерланади. Буни интернет хизмати бозорининг шиддат билан ер юзида ўсиб бориши тасдиқлайди.

Меҳнат бозори – бу иш кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Бу ерда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, шартнома асосида маълум муддатга сотилади. Иш кучи аввало истеъмол қилиниб, сўнгра унинг ҳақи тўланади.

Бозорнинг ўзи яхлит бўлганидек, унинг турлари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Истеъмол товарлар бозорига мос ҳолда ресурслар бозори ташкил топади. Ўз навбатида, ресурслар бозоридаги

ҳолатга қараб меҳнат бозори, илмий-техникавий янгиликлар бозори шаклланади. Бозор турларининг бир-бирига мослашуви иқтисодий ўсишнинг шarti ҳисобланади.

Бозор кўлами – бу бозорнинг катта-кичиклиги бўлиб, олди-сотдининг ҳажми билан ўлчанади. Кўлам товарларнинг миқдори, уларнинг нархи ва неча марта олди-сотди қилинишига боғлиқ бўлади.<sup>1</sup> Масалан, мамлакатда, 1 млн. дона товар яратилган бўлиб, унинг ўртача нархи 100 бирликка тенг деб олсак, жами товарлар нархининг суммаси 100 млн. бирликни бозорда сотадилар. Бозор миқёси товар оборотининг (айланмаси) ҳажми билан ўлчанади, бу эса олди-сотди кўламини билдиради. Бозорнинг катта-кичиклиги умумий тарзда ва айрим бозорларга татбиқан аниқланади. Агар истеъмол товарлари бозорини олсак, унинг умумий ҳажмини айрим товарлар бозори, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак ва турли хизматлар бозорининг ҳажми аниқлайди. Бунинг қандай эканлигини чакана савдо оборотига қараб билиш мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги чакана савдо обороти миқдори ортиб бормоқда. Бу бозорнинг кенгайиб, унинг кўламининг ортиб бориши ифодалайди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ҳажмига ва яратилган маҳсулот ва хизматларнинг нақадар хилма-хил бўлиши, бинобарин айирбошлашга мўлжаллан- ганлигига боғлиқ бўлади.

Маҳаллий бозор – бу муайян мамлакатнинг давлат чегаралари доираси билан чекланган шаҳар, туман, вилоят ҳудудларидаги бозордир. Бу бозорда асосан маҳаллий товарлар олди-сотдиси юз беради. Бунга мисол қилиб Ўзбекистондаги туман бозорини олиш мумкинки, бунга шу ердаги савдо шохобчалари, буюм бозорлари, деҳқон бозорлари киради. Унинг иштирокчилари туман аҳли бўлиб, булар истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчи фирмалар, савдо фирмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа соҳибларидан иборатдир.

Худудий бозор – бу бир неча чегарадош ҳудудлар доирасидаги бозор бўлиб, маҳаллий бозорлар мажмуидан иборат. Унинг субъекти иштирокчилари ҳудуддаги товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳисобланади. Унинг объекти турли ҳудудларда яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳамда ташқаридан келтирилган товарлар ҳисобланади. Худудий бозор кўлами маҳаллий бозор кўлаmidан катта бўлади, унинг иштирокчилари ҳам кўп. Худудий бозорга мисол қилиб Ўзбекистондаги Шарқий ҳудуд (Фарғона водийси) бозорини кўрсатиш мумкин.

---

<sup>1</sup> Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2014. – 320 бет.

Миллий бозор – бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги, яъни мамлакатнинг ички бозори. Бу бозор миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг иштирок-чилари муайян мамлакатдаги барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва улар ўртасида турган воситачилардан иборат. Миллий бозордаги товарларнинг асосий қисми мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилади, қисман чет элдан келтирилади, аммо иқтисоди қолоқ ва қарам мамлакатларда улар яратган маҳсулотлар асосан хом ашё бўлиб, у мамлакат ички товар оборотида иштирок этмайди, балки четга чиқарилади. Улар ички бозорида четдан келтирилган товарлар устувор бўлади. Бундай миллий бозорда қарамлик аломати бўлади.

Миллий бозор мамлакатдаги барча бозорларни бирлаштиради, бу ерда миллий пул харид учун ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Миллий бозор давлат ҳимоясида бўлади. У очик бозор, унга кириб келиш, ундан чиқиб кетиш эркиндир.

Давлатлараро бозор – бу икки ва ундан кўп мамлакатларнинг ўзаро бозори бўлиб, бунда турли мамлакатлар фирмалари ва давлат идоралари қатнашади. Бу бозорда товарни бевосита истеъмол этувчилар – хонадонлар қатнашмайди. Бу бозор чегарадош давлатлар бозори бўлиб, бу ерда шу мамлакатларда яратилган товарлар, четдан келтирилган товарлар олди-сотди қилинади. Айтилган мамлакатларда чегара олди савдо-сотиғи кенг тарқалган бўлади.

Жаҳон бозори – бу дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотик муносабати. Бу бозорда тараққиёт даражаси, бинобарин товар ишлаб чиқариш салоҳияти ҳар хил мамлакатлар қатнашади. Улардан бири тайёр маҳсулотлар етказиб берса, бошқаси хом ашё ва ёқилғи каби ресурсларни бозорга чиқаради. Жаҳон бозори ўзининг учта белгиси билан ажралиб туради. Биринчидан, бу бозорда барча товарлар эмас, балки сайланган, яъни кўпчилик учун зарур товарлар (масалан, нефть, газ, кўмир, ёғоч, металл, пахта, дон, жун ва бошқалар) олди-сотдиси юз беради. Иккинчидан, бу бозорда истеъмолчиларнинг ўзи, яъни аҳоли харидор сифатида қатнашмайди. Бу вазифани савдо фирмалари бажаради. Учинчидан, бу бозорда товарлар улгуржига сотилади. Жаҳон бозори халқаро биржалар ва савдо-сотик ташкилотлари фаолиятида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётни тартибга солиб туриш вазифасини талаб, таклиф, рақобат ва нархлар ёрдамида бажаради. У ўзида талаб ва таклифни жамлаб, бу билан нимани, қанча миқдорда ва қайси вақтда ишлаб чиқариш кераклигини аниқлаб беради. Бозор нарх воситасида иқтисодий

ресурсларни товарларга талаб камайган тармоқлардан талаб ортган тармоқларга оқиб келишини таъминлайди.

Демак, бозор харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир. Бозорда ҳамма тенг. Чунки унда харидор ва сотувчи мустақил ҳаракат қилади.

Бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди. Сотувчи қиммат сотиши пайида, харидор арзонроқ харид қилиш ҳаракатида бўлади.

Бозор инфратузилмаси бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи муассасалардир. Бозор товар ва хизматларни олди-сотди қилиш борасидаги муносабатлар бўлиб, улар воситасида сотувчилар ва харидорлар бир-бири билан алоқага киришадилар. Бу алоқаларни ўрнатишда бозор инфратузилмаси – институтлари воситачи сифатида иштирок этади, улар бозор функцияларини амалга оширувчи хизматларни кўрсатади.

Бозор товарларни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқаришнинг янгилианишини ресурслар билан таъминлаш, иқтисодиётни тартибга келтириш ва мамлакатлараро ҳамкорликни ўрнатишдан иборат функцияларни бажаради. Бозор иштирокчиларининг мавқеи жиҳатидан эркин ва монополлашган бозорга, олди-сотди объекти жиҳатидан истеъмол товарлари, ресурслар, молия ва интеллектуал товарлар бозорларига ажралади. Улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Мазкур фикрга хулоса қилиб қўйидагиларни айтиш мумкин: иқтисодиёт учун бозорнинг кўлами ғоят муҳим, чунки ишлаб чиқаришнинг ўсиши шунга боғлиқ бўлади. Бозор кўламини у ердаги товарлар миқдори ва уларнинг нархи белгилайди. Кўлам савдо обороти (айланмаси)га қараб баҳоланади.

Бозор иқтисодиёти умуминсоний истиқбол йўли, инсоният учун умумий кадрият ҳисобланади, унинг ривожланиш қонун-қоидалари ҳам умумий, лекин бу умумийлик хусусийликни инкор этмайди, аксинча, уни тақозо қилади. Бозор иқтисодиёти мавҳумлик эмас, аниқ кўринишга эга ва бу ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитида ифода этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси шу иқтисодиётнинг туб белгиларини илмий изоҳлаган ҳолда, уларни шакллантириш йўллари очиқ беради. Бозор иқтисодиёти кенг маънода эркин, монополлашмаган, юксак ривожланган ва аниқ ижтимоий мўлжалга эга бўлган иқтисодиёт деб қаралади, унга иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шаклларининг тенглиги; иқтисодиёт субъектларининг рақобатлашуви, хўжалик юритиш шаклларининг турлитуманлиги, иқтисодиётни тартиблаш зарурлиги, ижтимоий ҳаётда ижтимоий ҳамкорлик муносабати бўлиши қайд этилади.

### **1.3-§. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойиллари ва хусусиятлари**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди ва шу йўлдан дадил бормоқда.

Бозор ислохотлари – халқ иштирокида, лекин давлат томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантириш чора- тадбирларининг давлат назорати остида амалга оширилишидир.

Ислохотларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. мулкӣ муносабатлар ислохоти;
2. аграр ислохот;
3. молия-кредит тизими ислохоти;
4. ижтимоий ислохотлар;
5. ташқи иқтисодий алоқалар ислохоти;
6. ҳуқуқий ислохотлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди ва шу йўлдан дадил бормоқда. Ўз йўли деганда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларининг биргаликда ҳал этилиши тушунилади. Мазкур йўлнинг ўзига хослиги шундаки, илгари бирорта мамлакат ижтимоий (давлат) мулкка асосланган социалистик тузум ўрнида бозор иқтисодиёти тамойилларига йўналтирилган кўп укладли тузум курмаган, яъни бу борада синалган йўл йўқ эди.

Бу йўлнинг ўзига мослигига келсак, Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистонда яшаш, ишлаш, тадбирлар ўтказиш – ҳамма- ҳаммаси қадимдан шерикчиликка, жамоа бўлиб иш тутишга асосланган.

Бу йўл Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган, социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди, Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган илмий хулосага асосланади. Мустақилликнинг илк йилидаёқ Биринчи Президент Илом Каримов Ватан тараққиётини таъминловчи йўлнинг аҳамиятини қуйидагича таъкидлаб: «Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-

эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади»<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди.

Бу борада Ўзбекистон олдида қуйидаги вазифаларни белгилади:

1. барча мулк шакллариинг тенглигини таъминлаш;
2. иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш;
3. ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш;
4. эркин нарх-навога ўтиш;
5. иқтисодий монополизмга йўл бермаган ҳолда рақобатга кенг йўл очиш;
6. ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш;
7. қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда мамлакат миллий бойлигини ошириб, халқнинг ҳамма қатламларига фаро- вонлик, келажакка ишонч бериш;
8. халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интегра циялашувига эришиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Аммо, бу йўл ғоят машаққатли ва узоқ йўлдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислон Каримов, – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллоти етказган зиён-захматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир»<sup>2</sup>. Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарваргина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг кучғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади».

Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва белгилари қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> И.А. Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланиш концепцияси.//ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2010 йил 12 ноябр. –Т.:Ўзбекистон, 2010й.-56б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Т.: Ўзбекистон, 2011 й.- 120б.



1. иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги;
2. мулк шаклларининг хилма-хиллиги;
3. иқтисодиётнинг антимонополистик характери;
4. рақобат;
5. соғлом пул муомаласи;
6. юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг имконияти;
7. нарх-навони эркинлаштириш;
8. иқтисодий манфаатларни уйғунлаштиришга эришиш;
9. ижтимоий йўналишларнинг кучайиши;
10. бошқарувга асосланганлиги.

Бозор иқтисодиётининг жадал боришини таъминловчи кучлар:  
иқтисодий фаолият эркинлиги – бу тадбиркорлар учун кенг имконият яратади;

қонуний даромадларнинг чекланмаслиги – бу қўшимча даромад топишга ундайди;

соғлом рақобат кураши – бу ким ўзди қоидасини юзага келтиради, янгиликни жорий этишга ундайди, техника-технологияни, меҳнат унумдорлигини ва сифатини оширади. Қаттиқ меҳнат ва ижро этиш интизомини яратади.

Шунингдек, бу ҳақда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Мансон Ўзбекистон Президентининг асарлари, шунингдек, унинг назарияси ва раҳбарлигида Ўзбекистонда тадрижий ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлар билан анчадан буён яхши таниш эканлиги, сўнгги ўн йил ва асосан авж олаётган жаҳон молиявий инқирози нафақат асосий ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, балки жаҳон инқирози оқибатида юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш борасида ҳам Ўзбекистон томонидан танланган йўлнинг тўғри эканлигини аниқ кўрсатгани ҳақида ёзади. У саноатни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилашда банк ва молия тизимини такомиллаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистонга ташқи салбий таъсирдан келаётган зарарни камайтириши ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш имкониятини берганини таъкидлаган. Юқорида кўриб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари барча мамлакатларни битта манзилга – эркин бозор иқтисодиёти тизимига олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади.

Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Францияда чоп этиладиган «Либерасьон» газетаси мухбирининг «Туркия модели» хусусида берган саволига Президент Ислом Каримов қуйидагича жавоб берди: «Туркия бозор муносабатлари йўлига ўтиб эришган туб ўзгаришлари билан ҳам ҳурматга лойиқдир. Бироқ, мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмас. Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди».

Ўз мамлақати миллий манфаатларини ҳисобга олмай, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар тараққиёт моделига кўр-кўрона таяниб, иш тутган МДХ доирасидаги айрим мамлакатларда ислохотларда депсиниш ҳоллари, ташқи қарзга ботиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида очилиб, ўзининг заиф томонларини кўрсатди.

Бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқди ва ўз йўлимизни белгилаб берди. Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:

- ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

- қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

- иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз миллий андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк пойдевор вазифасини:

- кишиларнинг ўз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўли;

- миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит;

- реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит;

- одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши ўтаган.

«Ўзбекистон йўли» Ислом Каримов бозор ислохоти юзасидан олға сурган беш тамойилга асосланади. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

Иқтисод сиёсатга нисбатан устувор бўлиши зарур – бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга яраша бўлишини тарих тасдиқлаган.

Давлат бош ислохотчи бўлмоғи керак – бу бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислохотлар кенг жамоатчилик иштирокида, давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилади.

Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги- бу тамоийил қонунлар олдида барчанинг бараварлиги, қонунларга риоя этиш, ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчилиқка таяниши, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар, қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади.

Фаол ижтимоий сиёсат юргизиш – Ўзбекистон концепциясида аҳолининг кенг қатламлари, энг аввал унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур, деб қаралади. Ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олиши зарур.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш – тоталитар тизим ўзидан бозор тизимига айлана олмайди, уни фақат чуқур ислоҳ қилиш билангина бозор тизимига ўтиш мумкин. Тарихда ҳеч қачон бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш бирданига, қисқа вақт ичида ва фармон эълон қилган билан бўлмайди.

Бу қоидалар ўз истиклол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Бу қоидалар Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин- аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қилиб бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали бозор иқтисодиётига ўтишни билдиради.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгиланишга муҳтож эди, бунинг учун эса бозор муносабатларини яратиш керак бўлди. Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатларига ўтишдан бошқа нажот йўли йўқ. Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари борлигини, Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади ва бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари<sup>1</sup>:

Ривожланган мамлакатлар йўли – бу йўл асрлар оша тарихий-табiiй жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узоқ давом этган ўзгаришлар

---

<sup>1</sup> Қобилов Ш.Р. “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 2013й.  
78 б

орқали бозор иқтисодиётига хос белгилар юзага келади. Бу йўл – бозор иқтисодиётининг ўзига хос классик шаклланиш жараёнидир.

Мустамлакадан озод бўлиб мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари йўли – иккинчи йўлга хос муҳим томон – бу мустамлакачиликдан мерос қолган қолоқ анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдир. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали рўй беради. Натурал хўжалик бозор доирасига тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади.

Маъмурий буйруқбозлик. Унга давлат мулкнинг танҳо ҳукмронлиги, иқтисодиётнинг ўта давлатлашган бўлиши, моддий неъматларни давлат бир текисда тақсимлаши, хусусий-иқтисодий фаолиятнинг ман этилиши, тадбиркорликни бўғиб қўйиб, маҳаллий ташаббусга йўл бермаслик, экспорт-импортни қаттиқ назорат қилиш, иқтисодиётнинг ўта ҳарбийлашган бўлиши хосдир.

Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини Асосий қонун – республика Конституцияси ташкил этади. Шу боис ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шарти бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: «Фақат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан иқтисодиётни ривожлантириб бўлмайди. У узок тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишгина эмас, шу билан бирга, қадриятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутати», – деб таъкидлаган.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантикий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани – буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини» қайд этади.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча иллатларидан

Президент раҳнамолигида бутунлай воз кечганимиз, айниқса, принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айти пайтда ислохотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Давлатимиз «ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган», изчил иқтисодий ўсиш таъминланаётган замонавий Ўзбекистонга айланди.

Юқоридаги ўз вақтида кўрилган оқилона чора-тадбирлар чет эл экспертлари таъкидлаганларидек, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонда енгил кечишининг омиллари бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда. Мустақил ва суверен давлат мақомини олган Ўзбекистон энди халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш имконига эга бўлди.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда.

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш. Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини Асосий қонун – Республика Конституцияси ташкил этади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шарти бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

«Ўзбек модели»нинг амалий натижалари:

- иқтисодга ортиқча сиёсий тус берилмади, мафкурадан холи этилди;
- иқтисодий ислохотларни ўтказишда давлатнинг роли кучайтирилди;
- бозор муносабатларига ўтиш одамлар онгини ўзгартириш билан боғлиқ ҳолда аста-секин амалга оширилди;
- иқтисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсат билан кўшиб олиб борилди, бу ижтимоий кескинликнинг олдини олишга олиб келди;

- бор имкониятлар, чекланган ресурслар иқтисодиётнинг ҳаётий устувор соҳаларига қаратилди;

- мамлакатнинг нефть маҳсулотлари, газ, ёқилғи ҳамда дон билан таъминлаш соҳаларига устувор соҳалар деб қаралди;

- ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўйилмади.

Ислоҳотлар натижасида Ўзбекистондаги барча ер ости ва усти бойликлари, барча корхоналар, транспорт ва алоқа воситалари, бой хом ашё, еримиз, сувимиз республика мулкига айлантирилади. Ўзбекистонмарказнинг иқтисодий соҳага ҳукмронлигидан халос бўлди, иқтисодиётимиз тўла-тўқис республика аҳолиси манфаатига хизмат қиладиган бўлди.

Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад иқтисодиёти ривожланган, халқи фаровон яшайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган, чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамият сари боришнинг шарти бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ва шахдам ўстириш воситаларини юзага келтириши билан истиқболли ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли – бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли, янги иқтисодий тизим замирида инсон манфаатини юзага чиқариш, унинг меҳнатини кадрлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари ётади. Тарихан тасдиқланган тажрибага кўра, бозор механизми ижтимоий янгиланишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади, чунки у халқнинг ижодий ва меҳнат потенциалини тўла ишга туширади, боқимандалик ва текинхўрлик кайфиятига чек қўяди, иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради, ҳар бир кишини миллий бойликни орттиришдаги масъулиятини оширади, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бой қилиб боради. Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришни истеъмолчининг талаб-эҳтиёжига бўйсундиради, янгиликка, тежамли хўжалик юритишга, касбий маҳорат ва ташаббусни кадрлашга ундайди.

25 йиллик мустақил тараққиёт йиллари мобайнида иқтисодий ютуқларни таҳлил этар эканмиз, бу натижаларга аввало кенг кўламли тизимли бозор ислоҳотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш ҳамда бошқа изчил ислоҳотлар, пухта ўйланган сиёсат орқали эришаётганимизни алоҳида қайд этиш лозим

1-жадвал.

**Иқтисодиёт тармоқларининг 2000-2016 йилларда ялпи ички  
маҳсулотдаги улуши(фоизларда)\***

№	Тармоқлар	Йиллар				
		2000	2005	2010	2015	2016
1	ЯИМ, жами, шу жумладан:	100	100	100	100	100
2	Саноат	14,2	21,1	26,7	25,7	25,7
3	Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	19,8	18,3	17,6
4	Қурилиш	6,0	4,8	6,6	7,3	7,2
5	Хизмат кўрсатиш	37,0	37,0	46,9	48,7	49,5
6	Соф солиқлар	12,7	10,8	9,2	8,8	8,7

\*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2000-2016 йй маълумотлари.

Ўзбекистонда кейинги йилларда изчиллик билан олиб борилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш сиёсати, инновацион жараёнларнинг тобора ривожланиб бораётганлиги жонли меҳнат унумдорлигига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши оқибатида моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши нисбий қисқариши содир бўлмоқда

## **II - БОБ. ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНИШ ВА БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ҲОЛАТИ**

### **2.1-§. Инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг мазмуни ва аҳамияти**

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда. Таълим таркиби янги процессуал маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиёти ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қартилиши билан бойитилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромонович таъкидлаганларидек: “Демократик жамиятда ёшлар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар ёшлар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир”<sup>23</sup>.

Таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур<sup>24</sup>. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни, фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш натижасида амалга ошириш мумкин.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ. Бу йўналиш кенг камровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда Инновацион педагогик технологияларни қўллаш, таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳисобига уни индивидуаллаштиришни кўзда тутади.

Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш моҳияти хусусида сўз юритиш учун «таълим технологияси» тушунчасининг туб

---


<sup>23</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сон Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

<sup>24</sup>Давронов П.З., Урунбаева Ю.П ”Касб таълим педагогикаси” Ўқув қўлланма. –Самарқанд: Зарфшон , 2017. 302 бет



маъносини англаш талаб этилади<sup>25</sup>. «Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne»-махорат, санъат ҳамда «logos»-тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан иборат. «Таълим технологияси» тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча «an educational technology») таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади.

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижасида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади (5-чизма).



**5-чизма “Технология” тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар.**

Технология ҳар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланиб, объектга йўналтирилган мақсадли амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кўзда тутди. Технология бирор бир нарсани яратишни муайян кетма-кетлик ва тартибда амалларни бажариш жараёнидир. Оддий мисол тариқасида ўзбек миллий таомларидан бири-палов тайёрлаш технологиясини олайлик. Ушбу таомни тайёрлаш муайян кетма-кетликдаги, маълум тартибдаги (жумладан, вақт бўйича ҳам) амалларни бажаришни талаб этади. Уни тайёрлаш жараёнини палов тайёрлаш технологияси, деб аташ мумкин.

Қайд этиб ўтиш жоизки, педагогик технология назарияси ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб асосланиб келинаётган бўлсада, айнан «педагогик

<sup>25</sup> Искандаров Э.А., Суюнов О.Ж. “Педагогик технологиялар ва улардан ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш” Ўқув-услубий қўлланма. Самарқанд. СамИСИ 2012й. 11бет

технология» тушунчасига нисбатан турлича ёндошувлар мавжуд. Хусусан, педагог олим В.П.Беспалько педагогик технологияни «амалиётга тадбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси»<sup>26</sup> дея таърифлайди ҳамда асосий диққатни ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратади. Н.Ф.Талызина эса педагогик технологияни «фан ва амалиёт оралиғида муайян тамойилларни олға сурувчи методлар ишлаб чиқарувчи, уларни изчил қўллаш каби масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил фан»<sup>27</sup> бўлиши лозимлигини қайд этади.

ЮНЕСКО ташкилоти «таълим технологияси»ни изчил метод дея баҳолади, яъни «...таълим шакллари жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва бошқаларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида, уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методи»<sup>28</sup>.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Ғ.Зиёмухаммедов педагогик технологияга қўйидагича таъриф берган: ”ПТ- бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир”<sup>29</sup>.

Н.Сайидахмедов ва А.Очиловларнинг фикрича, ПТ- бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдинда белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир<sup>30</sup>.

---

<sup>26</sup> Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан. 2000. -125 б.

<sup>27</sup> Т.Н.Балло. Нестандартное обучение.- М.: Педагогика, 2005й. 94-б

<sup>28</sup> Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -118 б.

<sup>29</sup> Йўлдошев Ж.”Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.

<sup>30</sup> Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2003. – 40 б.

Олимлар Р. Ишмухаммедов, А.Абдукодиров, А.Пардаевларнинг фикрича, педагогик технология<sup>31</sup>- аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Демак, педагогик технология- муайян кетма-келикда, тартибда амалга ошириладиган, таълим олувчиларнинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аниқ мақсадларга йўналган, пухта лойиҳалаштирилган, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга қаратилган ва якуний натижага эришишни қафолатлайдиган педагогик жараёндир (6- чизма).

Сўнгги ўн йил давомида нутқимизда «педагогик технология», «замонавий педагогик технология», «ўқитиш технологияси» каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар «таълим технологияси» ҳамда «педагогик технология» тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламоқдалар. Менинг назаримда, бундай ёндошув у қадар тўғри эмас ҳамда бу борада ягона тўхтамга келиш муҳимдир.

«Таълим технологияси» хусусида яратилган адабиётларда мазкур тушунчага берилган таърифларга асосланган ҳолда ушбу тушунчани қуйидагича шарҳлашга журъат этдим: педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини қафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, педагогик технология тушунчаси билан таълим технологияси, интерфаол услублар ва уйин каби тушунчаларни бир бирдан фарқлаш зарур. Таълим технологияси тушунчаси айнан таълим (ўқитиш, ўргатиш) соҳасига таалуқли бўлса, педагогик технология тушунчаси нафақат таълим, балки тарбия жараёнини ҳам ўз ичига олади. Интерфаол усуллар педагог ва талабаларнинг ўзаро фаоллигига асосланган таълим-тарбия усуллари дир. Ролли ва

---

<sup>31</sup> Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 76.

ишбоп уйинлар эса интерфаол усулларнинг бир гуруҳини ташкил этади<sup>32</sup>. Педагогик технология жараёнида бундай усуллардан бир нечтаси қўлланилиши мумкин.



### 6- чизма. Педагогик технология тушунчасининг моҳиятини ёритувчи қарашлар.

Ўзбекистон Республикаси (шу жумладан, МДХ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўқитилиб келинаётган «Педагогика» фанининг предмети шахсни шакллантириш, унинг камолотини таъминлашга йўналтирилган таълимий ҳамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборатдир. Яъни, шахсининг етук камолоти икки муҳим фаолият-таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси натижаси сифатида намоён бўлади.

Ривожланган мамлакатлар таълими тизимида шахс ижтимоийлашувини таъминловчи етакчи омил сифатида таълим жараёни эътироф этилса, биз

<sup>32</sup>Искандаров Э.А., Суёнов О.Ж. "Педагогик технологиялар ва улардан ижтимоий-иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш" Ўқув-услубий қўлланма.Самарқанд. СамИСИ 2012й. 11бет

шахсининг шаклланишида таълим ҳамда тарбия жараёни бирдек аҳамиятга эга эканлигига урғу берамиз. Аксарият ҳолларда эса тарбия жараёни бу борада устувор бўлиши лозим, чунки ўзида ахлоқий хислатларни намоён эта олган шахсина ижтимоий муносабатларни ташкил этиш жараёнида улар мазмунининг ижобий хусусият касб этишни таъминлайди, ахлоқли инсонгина таълим (билим)ни кадрлай олади, зеро, ахлоқнинг асосий категорияларидан бири ҳам билимлилик саналади, деган ғояни илгари сурамиз. Шундай экан, бу ўринда «педагогик технология» тушунчасининг ишлатилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки ҳам таълим, ҳам тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

Таълим жараёнини технологиялаштириш назариясининг шаклланиши узоқ муддатли вақт оралиғида кечди. Қатор мамлакатларда таълим технологияси ва унинг муаммоларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига Инновацион педагогик технологияларни олиб кириш борасидаги фаолият бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Хусусан, Халқаро SOROS фонди (Очиқ институт), AXELS, IREX, JICA каби ташкилотлар томонидан олиб борилган фаолият ўзининг самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда<sup>33</sup>. Сўнгги беш йиллар давомида юқорида номлари келтирилган ташкилотлар кўмаги ва рағбати асосида Республиканинг бир қатор етакчи олий ўқув юртлари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида таълим соҳаси билан жамиятнинг ривожланиб бораётган ижтимоий эҳтиёжлари ўртасида номуносивбликнинг юзага келганлиги кузатилмоқда. Таълим тизими олдида баркамол шахсни шакллантириш, таълим соҳаси билан меҳнат бозори ўртасидаги номуносивбликни қисқартириш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби янги вазифалар кўйилмоқда.

Педагогик технология назарияси ва уни таълим жараёнида қўллаш муаммоларига бағишланган замонавий тадқиқотлар мазкур назариянинг таълим ривожини таъминлашдаги аҳамиятини чуқур англаб етиш, унинг имкониятларини аниқлаш ва кенг кўламли ахборот майдонини эгаллашга ёрдам беради.

Педагогик технология назариясини шакллантириш ва ундан фойдаланиш механизмини билиш таълим жараёнини ривожлантириш ва бошқаришнинг


---

<sup>33</sup>Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.:”Фан” 2006 йил 76 бет.

энг самарали шакл ва методларини аниқлаш (7-чизма) имконини берадики, бунинг фақат назарий, балки амалий аҳамияти ҳам беқиёсдир.

Педагогик технологияларнинг моҳияти, уларни таълим жараёнида қўллаш механизмини таълим фалсафаси ва социологияси контекстидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Зеро, мазкур фанлар таълимнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, шунингдек, ижтимоий вазифаларини ҳар томонлама таҳлил этади, таълим методологияси муаммоларининг чегарасини кўрсатиб беради.

Таълим соҳаси – бу асосида инсон ҳамда унинг фаолияти турган алоҳида ижтимоий институтдир<sup>34</sup>. Шу боис умумий методологиянинг барча элементлари техникашунослик методологиясининг тизимли, фаолиятли ва комплекс ёндашувлари ҳамда хусусиятлари, яъни, умумий методологиянинг элементларига таянмоғи лозим.



### 7-чизма. Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари.

Шу билан бирга педагогик технология педагогик жараённинг амал қилиш шаклларида бири сифатида намоён бўлади. Бинобарин, педагогик технология муаммоларини тадқиқ қилишнинг методологик плани педагогика назарияси методологияси билан тўлдирилиши керак. Техно-педагогик фономен (ҳодиса)ни тадқиқ методологиясини ишлаб чиқиш илгари сурилган илмий тадқиқот муаммосини ҳал этиш доирасида ғоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

Педагогик технология назариясига оид муаммоли вазиятни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, муаммоли вазият қисқа тавсиф

<sup>34</sup> Ходжабоев А.Р., Баратов Д.А. Узлуксиз таълим тизимида фанлараро алоқадорликни таъминлаш механизмлари.// ДТС ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш ҳамда касбий таълимда узвийликни таъминлаш муаммолари. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. -Т.: ЎМКХТРИ. 2000. 84-87 б.

орқали ифода этилади. Ушбу ҳолат тадқиқ этилаётган муаммонинг хусусиятларини аниқлаш ва кенгайтирилган ҳамда мантиқан бир-бирига зид келмайдиган предметли блокни шакллантиришга асосли равишда ўтиш имконини беради.

Педагогик технологиянинг методологик асослари умумий методологиянинг асосий тамойиллари тизимида янги ҳодиса сифатида уни диалектик мантиқ ва билиш назариясининг категория ва тамойиллари тизимидаги эвристик имкониятлар даражасига олиб чиқади. Тамойиллар тизими назарий методологик базис сифатида намоён бўлиб, мазкур базис асосида педагогик технологиянинг концептуал моделини қуриш имкониятлари аниқланади.

Таълим мажмуининг концептуал таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:<sup>35</sup>

- ҳар қандай технология негизида меҳнат фаолияти кўринишидаги ўзаро жамоавий таъсир ётади. Технология меҳнат жараёнининг ўзига сингдирилади. Технологиянинг амалга оширилиш шаклидан қатъий назар, асосий мақсад умумий жараёнининг операциялар тавсифи, предмети, воситалари ва якуний натижа билан белгиланади. Бинобарин, педагогик технологиянинг педагогик жараёни амалга ошириш шакли сифатидаги моҳияти педагогик фаолият соҳасида намоён бўлади;

- инсоннинг онги жамоавий ўзаро таъсир инъикосининг идеал шакли ҳамда диалектик қарама-қаршилигини ифода этиб, ўзгартирилган меҳнат сифатида намоён бўлади. Шунга кўра онгни қайта шакллантириш қонуниятларини ижтимоий технологиядан, ушбу қонуниятларини жорий этишнинг асосий шакллари эса педагогик технологияга асосланган педагогик амалиётдан излаш тақозо этилади;

- педагогик технология ижтимоий технологиядан ажралиб чиқиб, ўз тараққиётида шартли жамоавий репетициявий (машқлантирувчи) рефлекс босқичини босиб ўтган ҳолда, асосий технологик ўзаро таъсирларини мақсадга мувофиқ тарзда такрорловчи ҳаракат ва операциялар тизимига ажратилади. Бундан кузатилган мақсад ижтимоий онгни мустаҳкамлаш ва тўпланган ижтимоий тажрибани янги авлодларга етказишдан иборат бўлган, унинг предмети эса идеаллаштирилган тавсифга эга;

- педагогик технология моҳиятининг умумий жиҳатлари, шакл ва мазмуни, қарама-қаршиликлар тизими, миқдорий ва сифат ўзгаришлари диалектикаси, қурилиш, амал қилиш ва ривожланишининг умумий қонун ва

---

<sup>35</sup> Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2003. – 40 б.

конуниятлари технологиянинг умумфалсафий концепцияси доирасида муваффақиятли равишда кўриб чиқилиши мумкин. Унинг ҳаракат мантики моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги юқорида кўриб чиқилган қонуниятлар (объектив технология), унинг диалектик нуқтаи назардан қарама-қарши томони бўлган – маънавий ишлаб чиқариш, шунингдек, таълим соҳаси қонуниятларини кўчириш жараёнини акс эттиришдан иборат;

- педагогик технология назарий негизга эга, зеро, асл технология ўзининг мустаҳкам илмий-назарий пойдеворига асосланади. Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмасини шакллантириш жараёни ҳар қандай фаннинг шаклланишида муҳим ўрин тутувчи асосий қонуниятларга бўйсунди. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ривожланган сайин эътибор умумназарий элементларнинг синтез этилишига қаратилади;

- педагогик технология назариясининг яратилиш ва ривожланиш мантики асосий босқичларда умумий технологик назариянинг шаклланишини акс эттирувчи ҳолат сифатида намоён бўлади. Мазкур ҳолат асоси фикрлаш жараёнининг энг муҳим шакли сифатида хулоса чиқариш имконини берувчи дедуктив ёндашув ҳисобланади;

- педагогик технология назариясининг яратилиши учун «ғишт кўйишининг» асосий даври педагогик технологиянинг бошланғич «хужайраси»ни ифода этувчи педагогик жараёнда технологик жиҳатнинг моҳиятини очишга ёрдам берувчи, ўзига хос тушунча ва категориялар тизимини акс эттирувчи технологик ўзгариш, технологик восита ҳамда техно-педагогик ўзаро таъсир билан боғлиқдир.

Юқорида баён этилган хулосалардан педагогик технологияни ривожлантиришнинг бошланғич шарт-шароитлари (техно-педагогик феноменни ривожлантиришнинг зарурий шароитлари ва пойдевори бўлган дастлабки элементлар ёки бошланғич шакллари), педагогик технология назариясини тараққий эттиришнинг асосий босқичлари ва асосий анъаналарини хусусий-илмий жиҳатдан аниқлашга йўналтирилган педагогик технология генезеси ҳам тасдиқлайди. Моддий ишлаб чиқариш технологиясини қарор топтириш ва ривожлантириш жараёнидаги асосий босқичларни аниқлаш, шунингдек, педагогик технология назариясининг келиб чиқишини асослаш мақсадида педагог, психолог, файласуф, иқтисодчи ҳам методолог олимлар томонидан олиб бораётган ишлар юзасидан ўтказилган таҳлил натижалари қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради:

- одамнинг табиатга кўрсатувчи ўзаро таъсири жамоавий, мақсадга мувофиқ ва технологик ўзаро таъсир сифатида майдонга чиқади. Ушбу ҳолат технологик восита тузилмасидаги сабабий боғланишларни умумий жараёнда



мазкур восита бажарадиган технологик вазифа асосида тушунтиради. Мавжуд детерминация (сабабий боғланишларни аниқлаш) технологик воситани технологик ҳаракатнинг мустасносиз барча босқичларида ривожланишини таъминловчи объектив қонун сифатида намоён эттиради;

- ҳар қандай меҳнат ўзаро боғланган элементлар: физиологик, ишлаб чиқариш ва моҳиятан технологик саналувчи элементлар мажмуасини ифода этади. Моддий ишлаб чиқариш технологиясида бу элементлар мануфактур ишлаб чиқариш жараёнига қадар алоҳида мусатақил қисмларга бўлиб чиқади. Бу ерда ҳунармандчилик фаолияти техникавий базиси, алоҳида олинган ишчининг ҳунармандчилик санъати эса ишлаб чиқаришнинг технологик асоси саналади. Шу боис бундай ишлаб чиқаришнинг кейинги таракқиётида табиий ва ижтимоий тўсиқлар билан чегараланади;

- моддий ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатнинг технологик элементини ажратиш мануфактура ривожланиши ниҳоясига етган босқичда амалга оширилади ва ишлаб чиқариш жараёнининг айрим элементар операциялар якунига етказ намоён бўлади; алоҳида ишчи томонидан эпчиллик, иқтисод қилиш ва ички ишонч асосида, муайян бирор миқдордаги маҳсулотни иш вақти бирлигида тайёрлаш технологик инқилобни таъминлаш учун объектив замин яратадиган технологик қонун бўлиб қолади;

- технологик инқилоб моҳияти технологик вазифанинг инсон зиммасидан соқит этиб, технологик восита зиммасига ўтиши билан асосланади. Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини йўлга қўйиш ҳамда инсоннинг бу жараёндаги бевосита иштироки учун сарфланадиган вақт ўртасидаги фарқ ўтиш даврининг ўлчов кўрсаткичи ҳисобланади. Айни пайтда технологик ҳаракатда ташкил этиш бўйича ҳунармандчилик санъати ўз ўрнини фанга бўшатиб беради. Қайд этилган ўтиш даври техникавий жараённинг бош йўли сифатида майдонга чиқадиган ва хусусий техник-технологик феноменларнинг ички қонуниятларида ўз аксига эга бўлган технологик восита зиммасига инсон томонидан бажарилаётган технологик вазифасини топширилиш қонуни билан боғлиқдир;

- моддий ишлаб чиқариш технологияси педагогик технологиянинг пайдо бўлиш ва ривожланишининг бошланғич шарт-шароитлари сифатида намоён бўлади. Тарихий куртак сифатида у биоижтимоий технология тарзида намоён бўлди. Педагогик технология ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, яратиш, амалга ошириш ва ривожлантиришга асосланувчи илмий-назарий қонунлар, ижтимоий қонун ва мустақил равишда мавжуд бўлиш шарт-шароитлари сифатида акс этади.

Технологик ўзаро таъсир, таълимнинг технологик воситалари ва улар ёрдамида ташкил этилувчи педагогик жараённинг бевоситалик даражаси

(технологиялаштириш) борасидаги тасаввур асосида қисқа антологик-социологик таҳлил ўтказилди.

Таҳлил жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик, илмий ва динамик жараёнининг ривожланишидаги объектив анъаналар педагогик жараёни айрим ўқитувчиларнинг санъати, педагогик маҳорати ва техникасига асосланган таълим технологиясидан кўп сонли педагогларнинг касб маҳорати ва фаолиятининг мазмунига асосланган таълим технологиясига ўтказиш заруриятини кун тартибига қўймоқда.

Ушбу педагогик жараёнда урғунинг мураккаб кооперация даражасидаги ҳиссий билишдан мантикий билишга томон силжиши, субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтиш ва педагогик жараёнда таълимнинг хилма-хил техника воситаларини кенг қўллашга эришиш билан боғлиқдир.

Педагогик технология назариясининг мазмуни ва таркибий тузилмаси (тузилиши) кўриб чиқиладиган муаммолар мажмуида марказий ўринни эгаллайди<sup>36</sup>. Педагогик технологиянинг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: предметлилик (педагогик технология назариясига оид барча атама, тушунча, категория ва таъкидлар бир предметли ёки муайян соҳага тааллуқли бўлиши керак); бир-бирига мослик ёки тўлиқлик (педагогик технология назариясининг тили, унинг асосий тушунчалари, категориялари, тамойиллари, моделлари ва ҳоказолар); аниқлик (объекти маъносини икки аспектда: эмпирик ва семантик жиҳатдан очиқ беради); текширувчанлик (назариянинг реал объектга мослик даражасини текширади); ҳаққонийлик (педагогик технология назариясининг асосий таъкидлари ишончли бўлиши зарур); тизимлилик (техно-педагогик қонунларни табақалаштирувчи ва мувофиқлаштирувчи алоқалари ёрдамида ягона тизимга бирлаштириш).

Юқорида қайд этилган ҳолатларга таянган ҳолда педагогик технология назарияси моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи қуйидаги вариант таклиф этилади: педагогик технология назарияси (ёки илмий техно-педагогик назария) – бу идеаллаштирилган объектни ўзига хос илмий тили воситасига кўра ишончли ва мос тарзда тасвирловчи ва изоҳловчи илмий техно-педагогик билимларни ташкил этувчи тизимли шакл.

Педагогик технологиянинг моҳиятини белгилаб олиш унинг таркибий тузилмаси, вазифаси, назарий конструкцияларини кўриб чиқишга, шунингдек, бир қатор таянч тушунча ва категорияларнинг тўлдирилган таърифлари моҳиятини тушунишга имконини беради.

---

<sup>36</sup> Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004. 67 б.

Педагогик технология назариясининг таркибий тузилмасида қуйидаги элементлар ажратиб кўрсатилади ва таҳлил этилади: ўз ичига техно-педагогик, шунингдек, эмпирик қонунларни оладиган бошланғич эмпирик асос; ўз ичига педагогик технологиянинг ўзаро боғланган оддий мавҳум объектлар (назарий асосланмалар) тизимини оладиган концептуал асос; ўз ичига мавҳум объектлар моҳиятини тасвирловчи ва тушунтириб берувчи бошланғич, оралиқ ва якуний тушунчаларни оладиган мантиқий тил асоси; ўз ичига қонунлар йиғиндиси ва улар асосида келиб чиқувчи оқибат ва таъкидларни оладиган назарий асос.

Таркибий тузилма таҳлили педагогик технология функциясига аниқлик кириш ва унинг концептуал моделини қуришга оид ёндашув вариантини асослаш имконини берди.

Концептуал ва мантиқий тил асоси, шунингдек, илмий техно-педагогик билимларнинг асосий салмоғини ишлаб чиқишда дедуктив ёндашув ва педагогик технология назариясининг концептуал асосига аниқлик киритиш учун эса индуктив ёндашувдан фойдаланилади.

Назариянинг концептуал асосини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилди. Ушбу асос педагогик технология матрицаси деб аталади.

Педагогик технология матрицаси (техно-педагогик матрица) – бу минимал даражада зарур белгилар (назарий конструктлар)га таянувчи ранг-баранг, сифатли педагогик технологияларнинг мавжуд модели.(8-чизма)

Унинг негизида қуйидаги элементлар: асосланган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир, техно-педагогик ўзгаришлар (қайта қуришлар)ни акс эттирувчи предмет талабаларнинг билимлари, малакалари, кўникмалари; технологик-педагогик восита табиатини қайд этувчи элементлар, табиий, ижтимоий, техникавий; предметнинг техно-педагогик ҳаракат босқичлари ва уларнинг ўзгаришларини (қайта қурилишини) белгиловчи техно-педагогик натижага бирлаштирадиган, шунингдек, педагогик технология назариясининг концептуал асосини ифода этадиган элементар техно-педагогик ўзаро таъсир хусусида ишлаб чиқилган тасаввур ётади.



**8-чизма Педагогик технология матрицаси**

Педагогик технология назарияси дедуктив – хулосавий тавсифга эга бўлган ҳамда педагогик технологиянинг асосий моҳиятини ишонарли ва аниқ акс эттирувчи илмий назария сифатида намоён бўлади.

Таълимни «технологик» йўналишда қуришнинг умумий мезони унинг аниқ ва пухта ўйланган мақсадга йўналтирилганлигидир.<sup>37</sup> Мазкур ҳолатда асосий (умумий) ҳамда жузъий мақсадларни амалга ошириш учун муайян қонуният, жараён, тизим ва унга мос амаллар мажмуи мавжуд бўлиши тақозо этилади. «Педагогик технология»нинг воситавий йўналтирилганлиги унинг бир неча услублар ёрдамида турли таълим жараёнларини ташкил этишдаги кенг имкониятларини очиб беради. Бу ўринда таълимнинг ташкилий жиҳатлари, аввалдан, гўёки ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш усули сифатида қаралади. Мос равишда амалга оширилиши талаб этиладиган жараёнлар моҳиятини таҳлил этиш, уларни саралаш ўқув фаолияти мазмунини ҳисобга олмаган ҳолда йўлга қўйилади. «Педагогик технология» доирасида аниқланиб олинadиган мақсадларнинг эмпирик таҳлилигина берилади. Таълим мақсадлари юзасидан олиб борилган таҳлил эмпирик тавсифда «технологик» ишланмаларнинг дидактик жиҳатдан тўлақонлиги бўлмаслигини кўрсатади. Умумий дидактик мақсадларнинг «техник» дедукцияси таҳлили «педагогик технология» дидактик имкониятларини кўрсатувчи муҳим жиҳат ҳисобланади. Таълим мақсадларининг таҳлилий

<sup>37</sup> Толипов. Ў.Қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишда янги педагогик технологиялар. Т.: «Халқ таълими» журнали 2000йил. 63-67б.

баёнидан ташқари ҳар бир ўқув жараёни учун таълим услубларини танлашнинг муҳим шарти сифатида таълим оловчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташҳислаш, уларнинг кўникма ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш эътироф этилади.

Таълим жараёнининг бориши талабаларнинг белгиланган мақсад сари ҳаракатланишини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутати. Ушбу фаолиятни ташкил қилиш технологик таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини очиқ берувчи ҳисобланади.

Агар технологик тизимларда асосий эътибор билимларни узатиш ва ўзлаштирилган билимлар даражасини аниқлаш юзасидан назоратни олиб бориш борасидаги ҳаракатни ташкил этишга қаратилган бўлса, услублар мажмуасини танлаш асосан эмпирик асосда амалга оширилади.

Ўқув жараёнини лойиҳалашга технологик жиҳатдан ёндошиш қуйидаги асосий босқичлардан иборат бўлади:<sup>38</sup>

1. Таълим жараёнининг умумий асосий мақсадини белгилаб олиш;
2. Таълим жараёнини реал муайян босқичларга бўлиш, ҳар бир босқич учун хусусий мақсадларни белгилаш, яъни, асосий мақсадни амалга оширишда жузъий мақсадларни ҳам ҳал этиб бориш;
3. Таълим оловчиларнинг билим даражасини олдиндан ташҳис қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигининг моҳияти ўқитувчи ҳаракатларининг даврий, такрорланувчи кетма-кетлиги мазмунини англаб кўп маротаба мос равишда мақсадлар, аниқ назорат усуллари ва таълим жараёни турлари билан такрорланиб бориш эвазига унинг ниҳоясига етказилишини англатади.

Технологик ёндашишнинг яна бир хусусияти бўлган ҳамда режалаштирилган стандарт натижаларга эришиш имконини берувчи даврий кетма-кетлик педагогик технологиянинг назарий асосларини акс эттиришга хизмат қилади.

Таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги технологик ёндашишга хос бўлиб, у дидактикада таълимнинг асосий жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилувчи ва кейинги йилларда бутун жаҳон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларини ифодалайди.

Бундай ёндашув таълим самарадорлигига эришиш муаммоси, таълим жараёнининг мазмуни, унинг таҳлили, шунингдек, ўқувчига таълим мазмунини турли узатувчи воситалар орқали етказиб беришни назарда тутати. Педагогика фанида илгари суриладиган яхлит умумпедагогик

---

<sup>38</sup> Жўраев Р.Х., Толипов Ў.Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорат. // Узлуксиз таълим ж. 2003. № 2. 3-10 б.

тамойил нуқтаи назаридан таълим натижаси маҳсулдор равишда ўзлаштириладиган билим, биргаликдаги тадқиқотчилик фаолияти тажрибаси ҳамда ҳиссий сифатларнинг қарор топганлиги билан белгиланади.

Таълим мақсадлари, баҳолаш мезонлари ҳамда таълим шароитларини такрорий ҳосил қилишдаги имкониятларини инобатга олиш асосида педагогик жараённинг тарбиявий фаолият жараёнига ҳам технологик ёндашувни самарали тадбиқ этиш мумкин. Шу тариқа педагогик технологиянинг асл моҳияти намоён бўлади, таълимий ва тарбиявий фаолият ўртасидаги тафовут барҳам топади. Таълим технологияси таълим мақсадларини аниқлаштириш, яхлит жараённи қисмларга ажратиш, таълим натижаларини стандартлаштириш, таълим жараёнидаги самарали тесқари алоқа, автоматлаштириш имкониятларини такомиллаштириш каби муҳим таълимий муаммоларни ижобий ҳал қилиш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этишда таълим тузилмаларини ташкил этишдаги мавжуд (автоматлашган ва автоматлашмаган) тажрибани ҳисобга олиш ва унга танқидий муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технология амалдаги таълим жараёнини кузатиш ва баҳолашда шакллантирилган мақсадлар самарадорлиги тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мактаб амалиётида мавжуд бўлган ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг авторитар методлари - улар ишини янги технологиялар асосида ташкил қилиш йўлидаги энг катта тўсиқ бўлиб келмоқда. Шу билан бирга педагогик технология жонли педагогик жараёнга киритилаётган қуруқ педагогик тузилма эмас, балки таълим жараёнларининг самарадорлигини белгилаб берувчи, кўплаб омилларни баҳолаш ҳамда уйғунлаштирувчи чуқур ўйланган, ижодий меҳнатнинг натижаси эканлигига амин бўлишимиз мумкин. Бу ишда тайёр андоза ва мувофиқ ечимларга таяниб эмас, балки ҳар сафар юзага келадиган мураккаб масалаларни ҳал қилишда замонавий фан асосларига таяниб, ижодий иш кўриш демакдир. Бу жиҳатдан олиб қаралганда педагогик технология мумтоз дидактикани ривожлантиради. Бу ривож педагогик технология мезонлари - яхлитлик тузилмаси ва мазмунан ташхисли мақсадга йўналтирилганлиги, тугалланганлиги, ижтимоий ва табиий мувофиқлиги ва ниҳоят, барча жараёнларнинг интенсивлигида намоён бўлади.

Педагогик технология тараққиёти барча ишланмаларнинг ўлчамлилик, тизимлилик ва бошқарувчанлик каби умумий мезонларга амал қилинганлиги билан ҳам тавсифланади. Педагогик технологияда умумий дидактикадан фарқли ўлароқ, аниқ ўлчови, тизимли қурилмаси ва амалиётда бошқарилувчан яратилиш имкониятлари бўлмаган ҳолатлар баён этилмайди.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий таҳлил қилиш, таълим жараёнига маҳсулдор ёндашишни ташкил этиш билан белгиланади. Яъни, муайян вақт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан биргаликда унинг «муаммо майдони»ни ҳам ўзгартириш лозим бўлади.

Таълим жараёнининг технологик қурилиши қатор вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча таълим олувчилар билим ва тафаккур даражаларини тенглаштириш ва ошириш кабилар.

Бўлғуси мутахассисларни сифат жиҳатидан замон талаби даражасида тайёрлашга уларга аниқ мутахассислик билимларини бериш, уларнинг касбий кўникма ва малакаларини шакллантириш, амалий фаолият жараёнида уларнинг эгалланган билимларини самарали қўллаш олиш маҳоратларини юзага келтириш орқали эришиш мумкин. Шундай экан, ўқув-тарбия жараёнини таълим назарияси фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, халқ таълимида олиб борилаётган таълим-тарбия ишларини "педагогик технология" йўналишига ўтказиш ҳамда олий таълим амалиётида ихтиёрий равишда педагогик фаолиятнинг ҳар бир элементини жиддий асослашга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технологияни таълим жараёнига тадбиқ этишнинг умумлашган кетма-кетлигини қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ саналади (тажриба ишларини амалга оширишда мазкур кетма-кетликдан услубий асос сифатида фойдаланганмиз):<sup>39</sup>

- талабаларнинг истиқболдаги фаолияти мазмунини таҳлил қилиш, таълим жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;

- умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришда таълим воситаларини қўллашга оид таълим услуги мазмунини ишлаб чиқиш;

- олий ўқув юртлари ўқув дастурларида талабалар томонидан таълим воситаларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун вақт мезонини белгилаш;

- талабаларда кўникма ва малакаларни ривожлантиришга оид машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

---

<sup>39</sup> Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва маҳорат - ўқув қўлланма - Т.: Фан. 2000. –143 с.

- талабаларда ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг сифатини назорат қилиш билан боғлиқ объектив назорат ўтказиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган "педагогик технология"ни амалда синаш ва уни ўқув жараёнига тадбиқ этиш.

Келтирилган босқичларнинг тавсифи амалда ўқитувчи фаолиятининг даврий алгоритминини ифодалайди ва уларнинг мос равишда таълим мақсадлари, аниқ белгиланган назорат усуллари ҳамда яхлит жараёни камраб олади. Ушбу жараён стандартлаштирилган таълим мақсадига мувофиқ педагогик тизим воситасида амалга оширилади.

Педагогик технологиянинг дидактик вазифа тузилмасида таълим тизимида талабаларда кўникма ҳамда малакаларини амалга оширилишининг шарт-шароитлари, фаолият тўғрисида ахборот билан шартланувчи мақсад акс эттирилган. Бу ҳолатда дидактик вазифа учун мақсад - талабаларда умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш бўлса; шарт-шароитлар бу уларнинг дастлабки шаклланганлик ҳолатлари, ахборот эса - кўникма ва малакаларини мазмуни билан белгиланади. Кўришиб турибдики, ҳар қандай дидактик вазифа ўзига хос равишда таълим технологияси ёрдамида ҳал этилади, унинг бир бутунлиги эса дидактик жараён, ташкилий шаклларда ҳамда ўқитувчи малакасининг ўзаро боғланган ташкилий ишланмаси асосида амалга оширилади. Демак, айтиш мумкинки, педагогика фанида ҳар қандай педагогик технология асосини педагогик тизим ташкил этади. Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараёни такомиллаштириш, оптималлаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш омили саналади.

2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.

4. Педагогик технология – йўналтирувчи вазифани бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантиришга хизмат қилади.

5. Педагогик технология-шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, янги технологияни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог у фаолият олиб юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи



шарт-шароитларини инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндошувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Педагогик технологиянинг асосий мақсади комил шахсни шакллантириш учун пойдевор бўлган педагогик жараёни такомиллаштириш, инсонпарварлаштириш, таълим олувчининг мустақиллигини таъминлаш, ўқитиш жараёнида техник воситалар имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишдан иборат.

Педагогик технология доирасида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- Таълим жараёнининг умумий, яхлит лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Таълим жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш.
- Таълим жараёни моҳиятини башоратлаш (тахмин қилиш) ва унинг мазмунини ишлаб чиқиш.
- Таълим жараёни самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи энг самарали, мақбул шакл, метод, усул ҳамда техник воситаларни танлаш.
- Таълим жараёнида таълим олувчининг эркин, мустақил фаолият кўрсатиши учун муайян шарт-шароитларни яратиш, уларда маълум кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланиши учун вақт ўрнини белгилаш, уларнинг билимлари даражасини аввалдан ташҳислаш.
- Таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш, назорат қилиш ҳамда баҳолашни ташкил этиш.
- Ишлаб чиқилган педагогик технология лойиҳасини жамоада синаш, мақсаднинг натижаланганлик даражасини таҳлил этиш.

Таълим жараёнида Инновацион педагогик технологияларни муваффақият кўллашнинг муҳим омилларидан бири - муайян, яхлит таълимий жараёни олдиндан лойиҳалаш, таълим олувчилар томонидан ўзлаштириладиган назарий ва амалий билимлар, кўникма ва малакалар даражасини ташҳислаш ҳамда таълим мақсадининг муваффақиятли натижаланишини башоратлай олишдан иборатдир.

Мазкур вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши қуйидаги шартларга амал қилинишига боғлиқ: мавжуд шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиш; таълим олувчиларнинг ёш, физиологик, психологик ҳамда шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш; таълим жараёнини демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш; таълим олувчилар фаолиятини объектив назорат қилиш ва баҳолаш; хусусий фанларни ўқитиш жараёнида имкон қадар албатта, самарали равишда техник воситалар

имкониятидан кенг фойдаланиш; педагогик тизимда мақсад аниқ ва равшан кўйилмоғи лозим.

Педагогик технологиянинг ривожланиш истиқболлари унинг назарий асосларини танқидий таҳлил қилиш, таълим жараёнига маҳсулдор ёндашишни ташкил этиш билан белгиланади. Яъни, муайян вақт оралиғида педагогик технологиянинг назарий асосларини ўзгартириш билан биргаликда унинг «муаммо майдони»ни ҳам ўзгартириш лозим бўлади.

Таълим жараёнининг технологик қурилиши қатор вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Чунончи, дидактик мақсадлар рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга мувофиқ равишда таълим жараёнини лойиҳалаш, таълим жараёнини лойиҳалашда яхлит жараён ҳамда унинг босқичлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг тўлақонли ўзлаштирилиши, барча таълим олувчилар билим ва тафаккур даражаларини тенглаштириш ва ошириш кабилар.

## **2.2-§. Инновацион педагогик технологияларни жорий этиш йўллари**

Инновацион педагогик технологияни ўқув жараёнига фаол жорий этиш ҳисобига таълим жараёнининг рағбати (мотивацияси) кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади<sup>40</sup>. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ўқувчиларнинг бевосита фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммонинг ечими бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланиши билан боғлиқдир.

Педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (умумий ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт ёки университет)нинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг фойдаланиши ҳисобга олинади.

Инновацион педагогик технологияни амалда қўллашнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, шунингдек, шу блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аниқланади. Блоклар ҳамда улар таркибидаги алоҳида элементларнинг, яъни, аниқ ўқув идентификацияси ўқув предметлари мазмунини ташкил этадиган йирик мавзуларда акс этиши керак.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак

---

<sup>40</sup> Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 126.

натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгаллаган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади<sup>41</sup>.

Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар :

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириши);
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзхоро ҳамкорликни қарор топтириш;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича билимларнинг эгалланишини таъминлаш;
- ўқувчиларда мустақил эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устиворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Педагогик технологиялардан мажбуран фойдаланиш мумкин эмас. Аксинча, тажрибали педагоглар томонидан асосланган ёки улар томонидан қўлланилаётган илғор технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга, уларни ижодий ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, Ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол методларга:

- «Ақлий хужум» («Мозговая атака») методи;
- «Ялпи фикрий хужум» методи;
- «Фикрларнинг шиддатли хужуми» методи;
- «Заковатли зукко»;
- «Зиг-заг» стратегияси методи ва шунга ўхшаш бир қанча методларни мисол келтириш мумкин.
- ўйинли технологиялар (роли ўйинлар);
- муаллифлик технологияси;
- шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси;

---

<sup>41</sup> Зиёмухаммедов. Б. "Педагогик технология" Тошкент : "Турон-Иқбол" 2006 йил 88 бет.

- табақалаштириб ўқишни ташкил қилиш технологияси;
- ўқишни индивидуаллаштириш технологияси;
- программалаштирилган ўқитиш технологияси;
- замонавий ахборот технологиялари каби инновацион технологиялар мавжуд. Юқоридаги таълим технологияларининг ҳар бири ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўз қонун қонидасига ва ўз таърифига эга.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган методлар ҳамда методик усулларнинг хусусиятига боғлиқ. Масалан, талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий ёндашиш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари (уйғунлаштирилган дарслар) билан биргаликда конференция дарси, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Мазкур вазиятда таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб (адекват) бўлиши керак. Чунончи, билимларни турли вазиятларда қўллашга йўналтирилган топшириқлар, янги шароитда фаолият кўрсатишга ундовчи топшириқларни бажариш, ўзлаштирилган билимлар асосида схемалар тузиш, уларни таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Етарли даражадаги рағбат (мотивация) ҳамда талабалар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, ушбу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўллари тўғри танлаш билан таъминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқаришни ва талабалар жамоасини бошқаришни. Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришга имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади. Шунингдек, вариантли тарзда дарс ҳолатини ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқаришга қўйилаётган талаб, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг хусусияти билан боғлиқдир.

Юқорида таъкидлаганидек, педагогик технология шахсини ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация (тизимли фаолият кўрсатиш) асосида турли фанларга оид билимларни умумлаштириш; мосланувчанлик таълим шакли, методи ва усулларининг турли таълим

муассаларида қўлланувчанлиги; уйғунлик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсини ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши; яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари; табиийликни ҳис этиш - шахснинг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослиги, шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бизга маълумки, таълим-тарбия жараёни ўзида учта ўзаро алоқадор учлик - таълим, тарбия ва шахс ривожланишини акс эттиради. Мазкур учликни таълим жараёнига баробар тадбиқ қилиш модуллашган технологияни қўллаши осонлаштиради. Модуллашган технологиянинг афзалликларидан бири-таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда мавжуд ахборотдан шундайларинигина қатъийлик ва қунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандартлари доирасида ўқувчилар фаолиятини етарли даражада муваффақиятли амалга ошириш имконини бериш лозим.

Модулли технологиянинг моҳияти таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштиришдан иборатдир (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш, таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир модул бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолият мазмуни ва таъсири доираси белгиланади. Модулли технология мақсадини рўёбга чиқариш учун модул босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараёнда содир этилаётган ҳар бир ҳаракат (қўйилаётган қадам) ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйдагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур бўлган фаолиятни таъминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яъни, таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув материаллари, ўқув шароитини назорат қилиш инструментлари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади: биринчиси - таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, иккинчиси - ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, учинчиси - ушбу модул (ўқув элементи)нинг мақсади ва

унинг талабалар фаолиятидаги алоҳида модулга ҳам, унинг ташҳис қилинадиган охириги натижаларига ҳам ўтказилади<sup>42</sup>.

Режалаштиришнинг анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш назарда тутилади. Модулли педагогик технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдан иборат босқичларни ўз ичига олади: аналитик, концептуал, мақсадли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг аналитик босқичида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, уларда илгари сурилган ғоялар асосида чиқариладиган хулосалар, ёш авлоднинг баркамол шахс этиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини, шунингдек, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалиётга тадбиқ этишнинг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий хулосалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб -хунар коллежи, бакалаврият, магистратура, умуман, социумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти шундаки, ўқувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларни ва саволларини ҳал қилиш орқали билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бунда билимларни ўзлаштиришнинг илмий тадқиқот усулини юзага келтиради, талабада ижодий қобилият ривожланади.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосин талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади. Ўйин ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва қайта яратишга йўналган вазиятларда, фаолият тури сифатида белгиланади ва унда шахснинг ўз хулқини бошқариши шаклланади ва такомиллашади. Ўйин учун ҳиссий кўтаринглик хоб бўлиб, у ўзаро кураш, мусобақаланиш, рақобат шаклида намоён бўлади.

Педагогик ўйинлар қуйидаги асосий йўналишларда бўлади;

---

<sup>42</sup> Йўлдошев Ж. "Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш"-Т., 2014, 110б.

- дидактик мақсад ўйинли вазифа шаклида қўйилади;
- ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсинади;
- ўқув материалдан ўйин воситаси сифатида фойдаланилади;
- ўқув жараёнига дидактик вазифа ўрнига айлантирилган тарзда мусобақалашуш усуллари киритилади;
- дидактик вазифанинг муваффақиятли бажарилиши ўйин натижалари билан боғланади.

Аmmo ўйинли технологияларнинг ҳам камчилиги бор, булар қуйидагилар:

- дарсда шовқинни юзага келиши;
- маъруза дарсларида мавзунинг назарий асосларини ёритиб беришда қўллаш бир мунча қийинчиликлар туғдиради;
- маъруза дарсларида (потокда) қўллаш қийин бўлади.

Кейинги вақтларда ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиш усули фаол қўлланилмоқда. У ўқувчиларнинг ички имкониятини ривожлантириш, билиш фаоллигини ошириш, кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамжиҳатликда ишлашни таъминлашга хизмат қилади.

Даражали табақалаштириб ўқитиш қуйидагиларни назарда тутди:

- таълим жараёнида ҳар бир ўқувчининг ёшига хос ва индивидуал психологик хусусиятларини, табиати, феъл-атворини, билим даражаси ва эҳтиёжини эътиборга олиш жараёнини изчил бошқариш;
- ўқувчининг билим олиш жараёнини изчил бошқариш;
- таълим жараёнида интизомни мустаҳкамлаш;
- ўқув педметини ўқувчиларга чуқур ўргатиш;
- ўқувчиларни ижодкорлик қобилиятини ошириш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишга ва амалий фаолиятга ўргатиш;

Таълим жараёнини шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси асосида ташкил этиш педагогдан ката маҳорат талаб этади. Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари ўқитувчидан нафақат билим бериш, уларда амалий кўникмаларни шакллантиришни, балки уларнинг шахсини ривожлантиришни талаб этади. Бунга эса таълим берувчи билан таълим олувчининг бир-бирига ўзаро ишончи, ҳамкорлиги ва жонли мулоқоти орқали эришилади. Шахсга йўналтирилган таълимнинг назарий асослари қуйидагилардан иборат<sup>43</sup>:

таълим олувчининг ўқитиш жараёнидаги ўрнини белгилаш ва шахсини ривожлантириш;

таълим олувчининг касбий шаклланиши бўйича талаблар қўйиш (Ушбу меъёрлар Давлат таълим стандартларида ўз аксини топган)

<sup>43</sup> Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. Т.:”Фан” 2006 йил 106 бет.

таълимни ташкил этишда педагогининг ижодий қобилияти ва маҳоратига таяниш;

таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларини қўллаш;

Шуни таъкидлаш жоизки, шахсга йўналтирилган технологиялар асосида ўқитишни самарали ташкил этиш ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайди. Агар ўқитиш жараёни яхши ташкил этилмаса, илғор ўқитиш технологиялари ҳам самара бермайди.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари орқали ўқувчида мустақил билим олиш, ижодий фикр юритиш ва қарорлар қабул қилиш хусусиятлари шаклланади ва ривожланади.

Ўқитишни индивидуаллаштириш:

ўқув жараёнини ташкил этиш бўлиб, унда ўқитиш усуллари, суръатини танлаш талабанингиндивидуал хусусиятлари билан боғланади; индивидуал ёндашувни таъминловчи турли ўқув-методик, психологик-педагогик ва ташкилий-маъмурий тадбирлардир.

Игнее Унт, А.С.Границкая, В.Д.Шадриков<sup>44</sup> тадқиқотларида индивидуал ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этиш шакли, модели сифатида белгиланади. Унда:

- педагог фақат биргина талаба билан ўзаро муносабатда бўлади;
- бир талаба фақат ўқитиш воситалари (китоблар, компьютер ва б.) билан ўзаро алоқада бўлади.

Индивидуал ўқитишда фаолиятнинг мазмуни, методлари ва суръати талабанинг хусусиятларига мослаштирилади.

Программалаштирилган ўқитиш XX асрнинг 50-йил бошларида пайдо бўлди. У Америкалик психолог Б.Скиннер номи билан боғлиқ. У материалларининг ўзлаштирилишини бошқаришнинг самарадорлигини оширишда ахборотларни қисмма-қисм узатишнинг мунтазам программаси асосига қуриш ва уни назорат қилишни тавсия этади.

Программалаштирилган ўқитишнинг бешта асосий тамойили фарқланади<sup>45</sup>:

Бошқариш қурилмаларининг муайян босқичлиги (иерархия) тамойили. Бу программалаштирилган ўқитиш технологиясининг иерархия тузилмасида авваламбор педагог туради, фанда дастлабки умумий мўлжал яратиш, ўқитишнинг мураккаб ностандарт вазиятларида индивидуал ёрдам ва коррекция ўрни;

<sup>44</sup> Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан. 2000. -15 б.

<sup>45</sup> Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие в помощь первокурснику. -Т.: ТГЭУ, 2006. 48 бет



Қайтар алоқа тамойили. Ўқув фаолиятининг ҳар бир тадбири бўйича ўқув жараёнини бошқаришнинг даврий ташкил этиш тизимини талаб қилади; Ўқув материалларини ёритиш ва узатишда амалга ошириладиган одимлавчи техник жараён тамойили;

Ўқитишда индивидуал намуна ва бошқариш тамойили. Бу тамойил таълим олувчининг ҳар бирига шундай ахборот жараёнини йўналтиради ва тавсия этадики, у таълим олувчига машқ жараёнида тезликда олдинга силжишга имконият беради, чунки унинг билиш кучи унга мувофиқ равишда бошқарувчи томонидан узатилган ахборотга, мослашишига қулай бўлади. Программалаштирилган ўқув материални узатиш учун махсус техник воситалардан фойдаланиш тамойили.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, дарс ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш таълим тизимини такомиллаштиришга кенг йўл очиб беради.

Ҳозирги давр кишисини ўқитиш жараёни мактаб, касбий-техник билим юртлари олий ўқув юртлари билан чегараланиб қолмайди. Узлуксиз кўринишни касб этади. Узлуксиз таълим тизими бу даврнинг талабидир. Шунинг учун ҳозирги кунда нафақат кундузги таълимга, балки, замонавий информацион технологиялар асосидаги масофавий таълимга бўлган эҳтиёж пайдо бўлди.

Педагогикада бу масалаларни ҳал этиш учун самарали ва изчил ишлаш ва жуда қисқа муддатлар керак бўлади, чунки таълим тизимини ва унга мувофиқ келувчи ўқув моддий базасини қайта ислоҳ қилиб, ривожлантириш учун бўлган эҳтиёжлар ҳозирданок сезилмоқда. Ушбу мақсад йўлида, таълим тизими компонтлари орасидаги тизимни тузувчи алоқаларни инобатга олган ҳолда, бутун тизимни яхшиловчи, яъни янги ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитларда таълим мақсадини амалга оширувчи бўғинни топа билиш мақсадга мувофиқдир. Бундай бўғин вазифасини Инновацион педагогик ва информацион технология бажаради. Фақатгин Инновацион педагогик технологиялардан кенг кўламда фойдаланиш таълим тусини ўзгартира олади ва фақат янги информацион технологияларгина Инновацион педагогик технологияларга қўйилган имкониятларни анча самарали тадбиқ этиш имконини беради. Шу сабабли, энг аввало, таълимга қўйилган мақсадларни, таълим олувчиларнинг қизиқишларини ҳисоблаган ҳолда педагогик технология соҳасидаги афзалликларни аниқлаб олиш керак бўлади.

Биз таълимда инновацион технологияни жорий этишда фақатгина замонавий таълим методлари ва таълим технологиялари билан чекланиб қолмай, эътиборни қуйидаги таълим шаклларига ҳам қаратишимиз лозим бўлади:

Масофавий таълим. Масофада ўқитиш тушунчаси остида таълим жараёнини оптимал бошқаришни (педагогик самарадорлик маъносида) таъминловчи махсус компьютер технологияси ва интернет воситаларидан фойдаланишга асосланган ўқитиш тушунилади.<sup>46</sup>

Масофада ўқитиш сиртки таълимнинг замонавий, етарлича такомиллашган шакли сифатида анъанавий кундузги таълимдан ўзининг икки томони билан фарқ қилади:

Масофада ўқитиш тизимида билимларни талқин этувчи таълим олувчи бўлса, кундузги таълимда эса бу вазифани ҳал этиш ўқувчига юклатилади. Масофада ўқитишнинг ижтимоий-психологик муҳити анъанавий кундузги таълимдан анча пастдир.

Очиқ масофавий таълим информацион революциялар натижасида, очиқ таълим ғояси асосида пайдо бўлган янги технологик имкониятлар туфайли XX асрнинг охирида юзага келган таълимнинг сифатий янги, прогрессив кўринишидир. Таълимнинг бу кўриниши асосида махсус ишлаб чиқилган ўқув материалларига таянилган талабаларнинг мустақил интерактив ишлари ётади. Бу ўринда ҳам асосий ролни гуруҳларга бириктираиладиган тьютор (ўқитувчи-маслаҳатчи) бажаради.

Очиқ масофавий таълим технологиясининг асосий элементлари куйидагилардир:

ўқитишни талабанинг амалий фаолиятлари бидан яқинлаштириш- иш вазияти ҳолатида ўқитиш, ўқув жараёнига талабаларнинг амалий тажрибасини ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни жалб этиш;

талабаларнинг вақтидан унумли фойдаланган ҳолда гуруҳ муҳокамаси, ишга доир ўйинлар, тренинглар, “Мияни чарҳлаш”, интерактив ўқув материаллари билан ишлаш каби ўқитишнинг анча фаол методларидан фойдаланиш;

таълимий ёндашув: аллақачон ташкилий томонидан тажрибаларга эга бўлган, ўзлари нимани ўқиши кераклигини таъминлайдиган ва ўқиш жараёнининг устидан ўзи назорат ўрната оладиган катта ёшли кишиларнинг ўқитишни ўзига хос хусусиятларидан тизимли фойдаланиш.

Ривожлантирувчи ёндашув: нафақат билишга, балки яна билимлардан фойдаланиш, мунтазам равишда ўз ақлий даражасини ошириб бориш ҳақида ўйлашга ўрганиш;

Курсларнинг баён қилинишидаги универсаллик ва аниқ шарт-шароитларга мослашиш методларидан фойдаланиш.

---

<sup>46</sup> Искандаров. Э.А, Б.Годфри, П.Назаров “Узлуксиз таълим бўйича хориж тажрибаси” Самарқанд. 2004 йил.69 бет.

Ушбу ўқув шаклида талабага бериладиган асосий имтиёзлар :  
ишдан ажралмаган ҳолда самарали ўқиш;  
таълимнинг ноёб тарзда амалийлашувчи;  
талабанинг молиявий ва вақт имкониятларини тахминан икки баробар  
тежаш;

таълимнинг юқори, стандарт даражасидаги сифати;  
қўшимча хизмат кўрсатишга эга бўлиш (ишга доир алоқалар,  
консультациялар ва бошқалар)

Салбий томонлари эса менимча назоратнинг сустлиги (талабалар турли  
хил воситалардан, шпаргалкалардан фойдаланишлари мумкин)

- оғзаки (мулоқот орқали) сўз орқали мулоқотнинг ташкил этилганлиги.  
Натижада талабаларнинг оғзаки нутқи ривожланмай қолади.

- масофавий таълимни амалда қўллашнинг ҳуқуқий асослари ҳали  
мамлакатимизда ишлаб чиқилмаганлиги;

Ёзишмалар асосида ўқитиш.

Ёзишмалар асосида ўқитиш деганда ўқитиш марказидан барча содда ва  
тушунарли шаклда ёзилган ўқув қўлланмаларини олган ҳолда бириктирилган  
ўқитувчига уй вазифаларини текшириш учун жўнатган ҳолда  
қўлланиладиган таълим шакли тушунилади<sup>47</sup>. Бунда, барча истовчилар уйда,  
максимал қулай ҳолатда, ишнинг суръати ва тартибини мустақил равишда  
белгилаб, арзон баҳода ҳақ тўлаш орқали қисқа муддат ичида таълим олишда  
энг яхши натижаларга эришишлари мумкин. Европада бундай типдаги  
ёзишмалар Маркази анчагинадир. Улардан бири Европа ёзишмалар асосида  
ўқитиш мактаби (ЕШКО) бўлиб, у Европа мамлакатларидан келган юз  
мингдан ошиқ талабаларни ёзишмалар асосида ўқитади. Бундай ўқитиш  
шакли вақти жуда тифиз бўлган ёки турли хил сабабларга кўра анъанавий  
типдаги мактабларда ўқий олмаган кишилар учун альтернатив таълим шакли  
ҳисобланади.

Бунда қуйидаги афзалликлар мавжуд:

амалий натижаларга тез эришиш;

ўқув материалларининг баён қилинишидаги соддалик ва унинг  
ҳаммабоплиги, ўқув қўлланмалари билан қандайдир дастлабки  
тайёргарликларсиз ҳам ишлашнинг осон кечиши;

ўқиш режимини танлашдаги эркинлик: машғулотлар учун  
мўлжалланган вақтлар талабаларнинг ўзлари томонидан танланади;

---

<sup>47</sup> Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. Насаф. 2000. -100 б.

ҳар бир талабага индивидуал ёндашилади, ҳар бир талабанинг ўз шахсий ўқитувчиси томонидан назоратда бўлиб туриши, ўқитувчи уйга вазифалардаги хатоларни тўғирлаш, такрорлашни амалга ошириш ва талаба билимларини ҳисил қилишдаги четлатишлардан ўз вақтида огоҳлантириш орқали ўқишингиз устидан раҳбарлик қилади;

ортиқча вақт сарфламасдан таълим олиш:

Умуман олганда манашундай таълим шакллари Ўзбекистонда ҳам ташкил этилса, таълим тизими такомиллашувига кенг йўл очилар эди.

Янги ахборот технологияларининг ривожланиши таълимни жиддий ислоҳ қилишга ва меҳнатни тақсимлаш асосида ўқитиш жараёнини бошқариш йўли билан таълим самарадорлигини оширишга имкон беради. Таълим самарадорлигини оширмасдан туриб, таълим муассасаларида таълим олувчиларни сезиларли даражада кўпайтириш мумкин эмас.

Инновацион технологиялар асосида ўқитишда педагогик фаолиятдаги асосий ўзгаришлар қуйидагиларда кузатилади:

ўқитишнинг техник асослари ривожланиши натижасида ўқув курсларини ишлаб чиқиш анча қийинлашади;

ўқув курсларини ишлаб чиқиш учун махсус малака ва усулларни эгаллаш зарур;

ўқув материаллари барча фойдаланувчиларга мўлжаллаб тузилгани учун уларнинг сифатига бўлган талаб ортади, ўқув материали сифатини назорат қилиш зарур бўлади;

таълим жараёнида таълим олувчининг роли ортади, ўқув марказида ўқитувчи эмас, таълим олувчи бўлади;

таълим олувчиларни қўллаб-қувватлаш вазифаси кучаяди, индивидуал таълим олишда ўқувчига ёрдам берилади;

ўқувчи янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳар бир таълим олувчи билан қайтар алоқа ўрнатиш имконига эга бўлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, яъни таълим сифатини яхшилаш ягона таълим маконини ривожлантириш учун ўқитиш даражасини ошириш, таълим тизими ходимларини Инновацион педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш, бу йўналишдаги замонавий ўқитувчи-профессорлар корпусини янгилашни тақазо қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, таълим тизимида инновацион технологияларни жорий этишда қуйидагиларга эътибор қаратишни таклиф қилар эдим: янги ўқув дастурлари, дарсликлар яратиш, инновацион педагогик технологияларни қўллаш соҳасида “тажриба майдонлари” ташкил этиш. (Инновацион педагогик технология фани янги бўлганлиги учун бир

қанча тушунмовчиликлар ва қийинчиликларни келтириб чиқармоқда, жумладан, замонавий таълим технологияси, ахборот технологияси, инновацион технология, педагогик инновация, янги педагогик технология, каби тушунчаларнинг бир-биридан фарқини ажратиб олишда тушунмовчиликлар келиб чиқяпти);

таълим олувчиларнинг шахсига, унда таълим ва билимга бўлган иштиёқини кучайтиришга, ифтихор ва инсоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга эътибор бериш;

кадрлар тайёрлашда ахборот воситалари ва техник воситалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида компьютер курслари ташкил этиш (барча таълим муассасаларида);

инновацион технологияларни жорий этишда фақатгина хориж тажрибасига таяниб қолмай, ўзимизнинг минталитетимизга мос ҳолда янги таълим технологияларини ишлаб чиқиш;

Таълим жараёнида таълим шаклига мос ҳолда хоналарнинг жихозланиши, педагогик технологиялардан фойдаланишда вақт чегарасини стандартлаштиришга эътиборни қаритиш.

### **2.3-§. Инновацион педагогик технологиялар асосида талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш**

Инновацион педагогик технологияни амалда қўллашнинг жараёни босқичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, талабаларнинг ўқув фаолиятини бажаришга йўналтирилган таълим тури, таълим методлари намоён бўлади. Бу жараёнда ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг демократик тамойил, самарали усул, ташкилий шакл ва таълим воситаларининг танланишига алоҳида урғу берилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги натижасида, республикамиз таълим тизимида туб ислохотлар содир бўлиб, у ривожланган мамлакатлар таълим тизими билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда тайёрланаётган кадрларнинг касбий мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Агар болалар фикрлашга ўрганмаса, таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим ҳам керак. Аммо у ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир. Чунки, бозор иқтисоди шароитида фақат мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган шахсгина, ижтимоий ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топаолади, жамият учун ҳам, ўзи учун ҳам фойдали бўлади ва турли ғаразли оқимлар таъсирига берилмайди. Шунинг учун ҳам, сўнги йилларда малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнида

талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи фаол усулларида фойдаланишга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Менинг назаримда, Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини оширишда ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитишнинг фаол усулларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ўқитувчи талабаларга тайёр ўқув материални тақдим этмайди;
- ўқув материали шундай баён этиладики, талабалар фаол билиш ва мустақил ўзлаштириш жараёнида янги билим ва кўникмаларга эга бўладилар;
- фаол ўқитишнинг негизида мустақил фикрлашга ундаш ётади.

Сўнги йилларда фаол ўқитиш усулларидан бири бўлган педагогик ўйинлар кенг тарғибот қилиниб қўлланилмоқда. Педагогик ўйинлар ҳам бошқа фаол усуллар каби, талабаларни ўз касбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги - фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг кўпи билан 20 фоизгачасини ўзлаштирган бўлса, педагогик ўйинлардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълимида Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини оширишда муваффақиятли равишда қўлланилаётган ноанъанавий усуллардан бири талабалар гуруҳларини жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдир. Бу услубда асосий масъулият талабалар зиммасига юкланади, улар фаоллигини оширишга қаратилади.

Илғор мамлакатлар, шунингдек мамлакатимиз педогогларининг тажрибаси кичик гуруҳлар<sup>48</sup> туфайли таълим олувчилар ўртасида анча мустаҳкам муносабат ўрнатилишини кўрсатади.

#### **Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш:**

- ўқувчи-талабаларни ҳамкорликда ишлашга, билиш жараёнини фаоллаштиришга, уларда коммуникабеллик, киришимлилиқ, бошқаларни фикрини эшитишни ўргатади;
- берилган топшириқни биргаликда бажариш жараёни-да ўртоқлари томонидан билдирилган фикрларни муҳокама қилишга мойиллик пайдо бўлади;

---

1. Саидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар” Т.: “Молия”, 2003. 63б.

- саволларни аниқ шакллантиришни, берадиган жавобларни асослаб беришни ўрганадилар;

- таълим олувчининг потенциал имкониятларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Билмаганларини сўраб ўрга-ниш имконияти яратилади. Таълим олувчилар билимини ўзаро ҳамкорликда бойишини таъминлайди;

- тортинчоқ талабалар ўз билимлари, маҳоратларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар;

- қобилиятли, иқтидорли ўқувчи-талабалар ўз қобили-ятларини намоёиш қилиш, бошқаларга ёрдам бериш, уларга ўргатишлари ва улардан ҳам ниманидир ўрганишлари мумкин;

- кичик гуруҳларда ишлаш ҳар бир ўқувчи-талабага ўзини гуруҳнинг бир бўлаги сифатида ҳис қилиш, бир-бирларининг муваффақиятларини кўрсатишга ўрганадилар.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтиш самарали бўлиши учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:

1. Дарс материалани ўзлаштириш жараёнида талабалар жамоа бўлиб ишлаши керак.

2. Ҳар бир гуруҳда албатта аълочилар бўлиши, кичик гуруҳ таркиби аралаш бўлгани ( қизлар, йигитлар ) маъқул.

3. Бутун гуруҳ ва алоҳида талабани тақдирлаш тизими кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, ўқувчи, талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ташкил этишнинг ўзи етарли эмас экан. Қутилган натижага эришиш учун яна икки компонент: гуруҳни рағбатлантириш ва шахсан масъулиятни ҳис қилиш механизми ва уни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш керак экан. Агарда гуруҳ миқёсида рағбатлантириш етарли бўлмаса, гуруҳ аъзолари ўз ўртоқлари ўтилаётган дарсни ўзлаштиришига унча аҳамият бермай қўяди.

Гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлишни қандай қоидалар ёки тамойиллар асосида амалга ошириш лозим, гуруҳлар қандай тузилганда юқори самара беради деган саволга аниқ жавоб, универсал қоида йўқ. Гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлишда:

а) қўйилган таълим мақсадлари, шакли, натижаси;

б) бериладиган топшириқ, технологик харита бўйича қўллашни мўлжаллаган таълим методи ва усулларини ҳисобга олишимиз керак<sup>49</sup>.

---

<sup>49</sup> Сирожиддинов Х. “Баркамол авлод тарбиясини ташкил этиш: дунё тажрибаси ва муаммолар” ТДПУ. 2010й 157бет

Ўқувчи-талабаларни кичик гуруҳларга бўлишда тасодифий белгидан фойдаланишимиз мумкин:

-аудиторияда жойлашганликларига қараб бўлиб чиқиш мумкин.

Ўқишдаги натижаларига кўра:

-бараварлаштириш гуруҳи сифатида ташкил қилинганда, кичик гуруҳларга турла даражада ўқийдиган талабалар бирлаштирилади.

-қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш гуруҳи тарзида ташкил қилинганда, иқтидорли талабалар, ўқиш даражаси нисбатан пастрок гуруҳларга ажратилади.

Бажариладиган топшириққа кўра жуфтликни, 4-5 кишидан иборат ёки ундан кўп ўқувчи-талабалардан ташкил топган гуруҳларга бўлиш мумкин.

Кичик гуруҳларни фаолият кўрсатиши вақти, бир топшириқни бажаргунча амал қиладиган гуруҳлар, бир неча машғулот мобайнида биргаликда ишлайдиган гуруҳлар, таркиби ўзгариб турувчи гуруҳлар тарзида ташкил этиш мумкин.

Ҳар бир кичик гуруҳнинг етакчиси тайинлангани маъқул.

Уларни пассив, ўз фикрини айтмайдиган ёки яхши ўзлаштирадиган, фаол талабалардан танлаш мумкин. Етакчи турли функциярни бажариши мумкин, кичик гуруҳ аъзоларининг топшириқни бажаришини назорат қилиши лозим.

Етакчилар гуруҳнинг ҳар бир аъзосини индивидуал ҳиссасини, ролини кўрсатиб беришлари керак. Иложи боричи барча ўқувчи – талабаларни етакчи ролида синаб кўрган маъқул.

Кичик гуруҳларга бўлиниб дарс ўтиш услубининг бир неча моделлари – вариантлари мавжуд. Улар командаларнинг ўқув материални ўзлаштириш натижасини яхшилашга қаратилади. Бунда ўқитувчи бирон-бир материал ёки ўтилган дарсни қисқача тушунтириб, талабаларга топшириқ беради. Топшириқ масала, машқ, саволга жавоб ва бошқа шакллардаги назорат иши бўлиши мумкин. Топшириқ командалар ичида муҳокама қилинади. Кейин ўрганилган мавзу бўйича ҳар бир команда аъзоси индивидуал тарзда назорат иши ёзади. Ҳар бир талабанинг баллари жамланиб, умумий команданинг бали чиқарилади. У шахсий ва коман-да тўплаган балл билан таққосланади. Командаларнинг олган ўринлари аниқланиб, тўпланган балга кўра рағбатлантирилади.

Иккинчи моделда мусобақа (танлов) ўтказилади. Бунда команда аъзолар бошқа команда аъзолари билан мусо-бақалашиб очколар тўплашади. Учинчи модел, мозаика модели деб ҳам аталади. Бу модел кўпроқ катта гуруҳ, айтайлик, 25-30 тадан талаба бор гуруҳларда қўллангани маъқул. Гуруҳдаги талабалар сони бўйича ўқитувчи ҳар бир командага 5 ёки 6 тадан



талабани жалб қилади. Ҳар бир команда таркибидаги талаба сонига қараб, 5-6 савол ёки қисмдан иборат материални ўрганиш учун топшириқ берилади. Ҳар бир командадан бир киши битта қисмни ёки саволни ўрганади.

Турли командалардан шу қисм ёки саволни олган талабалар бирга йиғилиб, ўқув топшириғини муҳокама қиладилар. Бу гуруҳларни эксперт гуруҳлари деб аталади. Асосий гуруҳларни алфавитдаги ҳарфлар билан талабаларни рақамлар билан белгилаймиз.

Айтайлик, гуруҳ 30 та талабадан иборат. Ўқитувчи уларни 6 тадан 5 та гуруҳга ( А, Б, В, Г, Д ) бўлади. Бирин-чи гуруҳ А, ундаги талабалар А1, А2, А3, А4, А5, А6, иккинчи гуруҳ Б, ундаги талабалар Б1, Б2, Б3, Б4, Б5, Б6 ва ҳоказо тарзида бўлиниди. Ҳар бир талаба ўзининг рақами бўйича асосий командасидан, яъни ҳарф бўйича ўқув материалнинг маълум қисмини ёки саволни ўрганиш бўйича топшириқ олади. Сўнгра мутахассислар гуруҳида ( рақамлар бўйича ) барча 1 ёки 2 ва ҳоказо рақамлар асоси-да янги гуруҳ ташкил бўлади. Яъни мутахассислар коман-даси А1, Б1, В1, Г1, Д1, иккинчи команда А2, Б2, В2, Г2, Д2 ва ҳоказо тарзида янги команда ҳосил бўлади. Ҳар бир асосий командадан бир ҳил рақамдаги, лекин ҳар ҳил ко-манда аъзолари тўпланиб, ўзларига берилган савол, топ-шириқни муҳокама қиладалар. Сўнгра ҳар ким экспертлар гуруҳидан ўзининг асосий гуруҳига қайтади.

Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси экспертлар гуруҳида ўзи ўрганган масалани гапириб беради. Гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси диққат билан ўртоқларининг фикрини эши-тишга ҳаракат қилади. Чунки берилган топшириқни бажа-ришнинг ягона йўли ўртоқларининг фикрини диққат билан тинглаб, таҳлил қилиб, сўнгра гапириб беришдир. Ундан ташқари, ҳар бир талабада ўз топшириғини муфассал ба-жариш учун стимул мавжуд. Сабаби, у берилган савол, топшириқни ўртоқлари қай даражада ўзлаштиришларига масъул.

Кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишдаги тўртинчи модел аввалги моделлардан бирмунча фарқланади. Бу моделда кичик гуруҳдаги ҳар бир талаба берилган топшириқни аввал алоҳида ўзи бажариб, фикрини семинар дафтарига ёзади. Сўнгра гуруҳ биргаликда ҳаммининг фикрини ўрганиб чи-қади. Кичик гуруҳ номидан ягона жавоб тайёрланади, дарс-да барча гуруҳларнинг жавоблари эшитилади ва гуруҳни эришган натижаси баҳоланади.

Кичик гуруҳларда талабалар ўртасида фикр алмашув, таҳлил қилиш имконияти кенг. Ҳар бир талабанинг фикри ўртоқлари томонидан таҳлил қилинади. Бунда ҳар бир талаба, албатта ўз фикрини асослашга, ҳикоя қилишга ҳаракат қилади. Мунозара жараёнида ҳар бир талаба ўз хатосини

тушунади ёки ҳақлигини синаб кўради, ҳамкорликда муам-мони ечишга ўрганади.

Гуруҳ билан ишлашнинг мақсади талабаларнинг билимини оширишдир. Услубни қўллаш натижасида талабалар томонидан:<sup>50</sup>

- биргаликда ишлаш шаклланади;
- нутқ сўзлаш ва ўз фикрини асослаб беришга, ҳимояланишга ўрганади;
- мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечишга иштиёқ шаклланади;
- ўрганишга, ишлашга кўникма ҳосил бўлади.

Кичик гуруҳларга бўлиб ўтилган дарсда ўқитувчи ягона ахборот берувчи, тақриз қилувчи, баҳоловчи шахс сифатида марказда турмайди. У мавзунини ўргатувчидан дарсни тай-ёрловчи ва ташкил этувчига айланади.

Кичик гуруҳларда берилган топшириқ бўйича мавзунини интенсив ўрганишга тўғри келади. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш, уларни чуқур ўзлаштиришга ҳаракат қилиш натижасида олинган билимни узоқ муддат ёдда қолишига эришилади.

Жуфтлик ёки кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг муваффақиятли бўлиши кўп жihatдан унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга боғлиқ.

Кичик гуруҳларда ишлаш фақат қўйилган топшириқни эмас, балки унинг натижасини муҳокама қилишни ҳам ўз ичига олади. Бунда доскадан, техник воситалардан фой-даланиш мумкин.

Кичик гуруҳда ишлашнинг ахамиятли жиҳати кичик гуруҳ, охир – оқибат умуман бутун гуруҳнинг ишини унумли бўлишини таъминлашдир. Бунинг учун ўқитувчи аввалдан ҳамма дарс жараёнини режалаштириши керак.

### **1. Тайёргарлик кўриш :**

- ❖ мақсад қўйиш ;
- ❖ материал танлаш ;
- ❖ кичик гуруҳларга топшириқни чушунтириш ;
- ❖ зарур материаллар билан таъминлаш ;
- ❖ қўйилаётган топшириқни, масалани ўқитувчининг ўзи ечиши зарурлиги.

### **2. Ахборот билан таъминлаш :**

- ❖ кичик гуруҳлар қандай топшириқ оладилар, уни бажаришга қанча вақт ажратилади ;
- ❖ қандай қоидаларга риоя қилиш керак кабилар эълон қилинади.

### **3. Топшириқ устида ишлаш :**

---

<sup>50</sup> Норов.Ш. Таълим сифатини бошқаришда замонавий ахборот технологияларининг ўрни.”Касб-хунар таълими” журнали №1 2007 йил 10 бет.

- ❖ кичик гурух топширикни олгач, вазифаларни бўлишиб олиши мумкин ;
- ❖ кичик гурухлар ўзининг топшириғини бажаради ;
- ❖ кичик гурухдан битта талаба ( докладчи ) эришган натижани қисқача доклад қилади;

#### **Ўқитувчининг роли:**

- ❖ қарор қабул қилади;
- ❖ дарсни ташкил қилади ва бошлайди;
- ❖ назорат қилади ва зарур бўлганда аралашади;
- ❖ таҳлил қилади ва баҳолайди.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўрнатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга эга дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажминини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажминини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги

фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавий асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлиғига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз. Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.<sup>51</sup>

Инновацион педагогик технологиялар ёрдамида ташкил қилинган дарс, ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулларини излайди. Бу соҳада турли хил кўрик-танловлар, жумхурият миқёсида ўтказилаётган педагогик ўқишларда ўртага қўйилаётган илғор ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари диққатга сазовордир.

Турли - туман фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда замонавий дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:<sup>52</sup>

**1.** Ҳар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

**2.** Ҳар бир дарс мустаҳкам гоъвий - сиёсий йуналишга эга бўлмоғи лозим.

**3.** Ҳар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

**4.** Ҳар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

---

<sup>51</sup>”Узбекистон Республикасининг Таълим тугрисидаги Қонуни” Тошкент 1997 йил.

<sup>52</sup> Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди. 2003. – 40 б.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали куроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустакиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

Бир соатлик дарсга мулжалланган дастур материалларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.

Замонавий дарсни ташкил этишда таълим жараёнига янгиликларни жорий қилиш, талабаларда мотив компонентини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мотивларни ҳосил қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- Берилган билим ва кўникмаларнинг зарурлигини тушунтириш;
- Шахсий масъулият ҳиссини яратиш;
- Таълим жараёнида талабаларнинг қизиқишини уйғотиш ва сақлаб туриш;
- Орттирилган билимлардан ҳаётда қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш;
- Маъқуллаш, эътироф этиш, рағбатлантириш;
- Соғлом рақобат;
- Олинган билимлардан келажакда талабалар қандай муваффақиятлар қозонишилари мумкинлиги ҳақида мулоқот қилишга имкон бериш;
- Танлаш имкониятини яратиш.

Замонавий дарс халқаро РВКТ лойиҳаси тавсияларига мувофиқ ҳолда, интерфаол тренинг шаклида ўтказилиши ва у мантиқий-таркибий жиҳатдан –

1. ташкилий (тайёрлов),
2. чақирув (даъват),
3. англаш (мустақил ўзлаштириш),
4. мулоҳаза (умумлаштириш-мустаҳкамлаш)
5. уйга вазифа бериш босқич (фаза)ларидан иборат бўлиши лозим.

Бу фазаларнинг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимларга, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш ўқувчида анчагина кучли бўлади. Зеро, нейролингвистик дастурлаш(НЛП)да ўзлаштирилган ахборотлар билан боғлиқ бўлган ҳамда янгисини ўзлаштиришга асос бўлган билимларгина мустақкам ўзлаштирилади.

*Чақирув* фазасида қуйидаги уч мақсадни амалга оширилади: биринчи мақсад - талаба янги ўрганилаётган муаммо бўйича қандай маълумотларга эга эканлигини аниқлашдан иборат; иккинчи мақсад - талабани фаоллаштиришдир. Буни, уларнинг сушт фаолиятдани воз кечиб, жадаллашган, аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятга қизиқиш уйғотиш деб баҳолаш мумкин. Бу - аввал олинган билимларни онглилик даражасига кўтариш, уни ўзига ёки шеригига ёзма ёки оғзаки шаклида баён қилишдек фаоллашган фаолиятда амалга оширилади; учинчи мақсад ҳам ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, у муайян мавзу (ўқув саволини) ўрганишга оид мотив вужудга келтиришдан иборат бўлади. Машғулотнинг мақсадини, шунингдек, талабаларнинг ўзлари мустақил равишда аниқлаган мақсадларни ҳам, уларнинг шахсий мақсадига эришиш фақат ўқитувчи томонидан белгиланган мақсадларга эришишга нисбатан анчагина самарали бўлади. Бу фазада ақлий хужум, кластер, “Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим”(Б-Б-Б)” жадвалининг “биламан” ва “билишни хоҳлайман” қисмларини тўлдириш каби ўқитишнинг интерфаол стратегияларидан фойдаланиш яхши самара беради.

*Англаш* – ифодалаш, фикрлашнинг иккинчи фазаси бўлиб ҳисобланади. Унда талабалар янги ахборот (ғоя)лар билан тўқнашади. Бу ахборот талабаларга матн, видеофилм, оғзаки баён.ва тажриба ишларини бажариш шаклларида тақдим этилиши мумкин. Бу фазанинг бош вазифаси чақирув фазасида яратилган фаоллик ва қизиқишларни ҳамда ҳар бир талабанинг ўзлаштиришга оид интилишларини сақлаб туришдан иборат бўлади. Бундан ташқари, талабалар, ўзларининг тушунишларини ўзлари кузатиб боришлари муҳимдир. Улар янги ахборот(ғоя)ларни, бу ҳақда ўзларида аввал шаклланган тасаввурлар билан боғлаб, уларнинг ўзаро муносабатлари таққослаб борадилар, яъни янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалининг тушуниб, ўзлаштирилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир.

Англаш-ўзлаштириш босқичида микрогуруҳлар, “Б-Б-Б” жадвалининг “Билиб олдим” қисмини тўлдириш, матнни инсерт, зиг-заг - 1, зиг-заг - 2 усуллардан фойдаланиб ўқиш, икки қисмли кундалик каби интерфаол стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

РВКТ лойихаси бўйича дарснинг учинчи фазаси *мулоҳаза* қилиш деб аталади. Бу фазага алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки, айнан шу фазада талабалар янги ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлайдилар ва ўзларининг шахсий фикрларини баён қиладилар, олдинги тасаввурларини (агар зарур бўлса) ўзгартирадилар. Шунингдек, бу фазада талабалар жонли тарзда фикр алмашиб, ўзларининг луғат бойликларини ҳам бойтадилар. Бунинг натижасида олдинги фазаларда ўзлаштирилган билимлар умумлаштирилади, мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўлароқ) тасаввур шаклланади ҳамда у “ўқиганлик” нинг ортишига олиб келади. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Шундай қилиб, учинчи фазада талаба билимини ўзлаштиришнинг куйроқ даражасидан, унинг юқориқ даражасига ўтказиш содир бўлади. Бу - унинг янги ғоя ва ахборотларни ўз сўзи билан ифода қилишида акс этади. Талабалар ўзларига кўпроқ ёққан нарсани яхшироқ эслаб қоладилар ва бундай тушуниш узоқ муддатли таъсирга эга бўлади (Пирсон ва Филдинг, 1991). Бу фазанинг энг муҳим мақсади-ўқувчилар ўртасидаги диалог ва полилогни ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Мулоҳаза ва рефлексия фазасида мунозаранинг бир неча вариантларини қўллаб-қўриб чиқишга имкон берилади.

Бу фазада ўзлаштирилган янги билимлар ўқув мақсадлари билан таққосланади, уларга эришилганлик даражаси таҳлил қилинади (1-жадвал). Ўқувчиларнинг микрогуруҳлар таркибидаги ҳатти-ҳаракатлари ҳамда етакчи ўқувчиларнинг фаолиятлари рағбатлантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, мулоҳаза фазаси дарс самарадорлиги ва натижасини белгилайди, *уйга вазифа* бериш билан дарс яқунланади.

Битирув малакавий ишимнинг иккинчи бобида иқтисодий мавзунини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқдим Яъни, бунда мавзунини ўқитиш жараёнида замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш мазмуни ва йўллари белгилаб, ўқув машғулоти лойихаси яратилди.

Ўқув машғулоти лойихасини ишлаб чиқишда ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсад, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал этилувчи хусусий мақсадлар белгиланди. Сўнгра шу асосда ўқув жараёни мазмунини ишлаб чиқилиб, машғулоти шакли, унда қўлланиш мумкин бўлган методлар, восита ва усуллари танланди. Шунингдек, бу жараёнда ўқув машғулоти учун ажратилган вақт хажмидан тўғри ва унумли фойдаланиш дарси самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Битирув малакавий иш мазмунига кура ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида ўқув-дидактик материаллар яратилди. Бунда асосан мавзу юзасидан турли хил муаммоли вазиятлар, ижодий ва ўйинли топшириқлар, анкета сўровномалари, тестлар, топшириқлар ва назорат саволлари, қизиқарли савол ва масалалар, саволнома ва йўриқномалар, лойиҳалар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар ва карточкалар, кроссвордлар, сканвордлар, чайнвордлар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар ишлаб чиқилди.

Бирор бир мавзунини Блум таксономияси асосида ўзлаштириш даражаларини таъминлашни ишлаб чиқишда ўқув машғулоти мазмунини шакллантиришда унинг асосий мақсад ва вазифалари олдиндан белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир. (9- чизма) Танланган ўқув машғулоти учун аввал умумий, сўнгра эса хусусий мақсадлар белгилаб олинади. Бу жараён Блум таксономияси жадвали ёрдамида амалга оширилади. Б.Блум таксономиясини қўллаб, умумий ва хусусий ўқув мақсадларини шакллантириш мумкин.

Машғулоти материалларини дидактик таҳлил қилганда унинг ҳар бир босқичини шакллантиришда кутилаётган натижа сифатида Б.Блум таксономиясида келтирилган феълларни танлаб, шу машғулоти мазмунини шакллантиришда унга сингдирилиши лозим. Белгиланган ўқув мақсадларини шаклланганлик даражасини текшириш баҳолашнинг вазифаларини аниқ ажратиш орқали ташкил этилади.

Билиш	Эсга тушириш Эслаб қолиш Ахборот бериш Айтиш Ёзиш	Тасвирлаш Фарқлаш Танлаб олиш Айтиб бериш Такрорлаш
Тушуниш	Далиллаш Англаш Аниқлаштириш Белгилаш Тушунтириш	Кўчириш Қайта ишлаш Намойиш этиш Изоҳлаш Очиб бериш
Фойдаланиш	Тадбиқ қилиш Ҳисоблаб чиқиш Намойиш этиш Фойдаланиш Ўқитиш	Аниқлаш Амалга ошириш Ҳисоблаш Амалга ошириш Ечиш
Таҳлил қилиш	Келтириб чиқариш Ажратиб чиқиш Туркумлаштириш Таснифлаш Фараз қилиш	Олдиндан кўриш Саралаш Бўлиб чиқиш Текшириб кўриш Гуруҳлаш
Синтез	Кашф қилиш Умумлаштириш Яхлитлаш	Тизимлаш Бирлаштириш Барпо этиш



	Режалаштириш Ишлаб чиқиш	Тузиш Лойиҳалаш
Баҳолаш	Ташҳислаш Аниқлаш Ўлчаш Асослаш Қўллаб-қувватлаш	Баҳолаш Текшириш Назорат қилиш Таққослаш Рағбатлантириш

**9- чизма. Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига мос келадиган феъллар рўйхати**

Ўқув мақсадларини белгилаб олиш асосида машғулот мазмунини шакллантириш қуйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олади:

1. Мавжуд машғулотнинг мазмуни ва таркибий қисмлари билан танишиш ва уни дидактик таҳлил қилиш;
2. Машғулот учун умумий ўқув мақсадларини белгилаш;
3. Машғулотни таркибий қисмларга ажратиб олиш;
4. Машғулотнинг таркибий қисмлари учун Б.Блум таксономияси асосида хусусий мақсадларни белгилаб олиш;
5. Машғулотнинг лойиҳалаштирилган мазмунини шакллантиришда хусусий мақсадларни мазмунга сингдириш;
6. Белгиланган мақсадларга эришганлик даражасини текшириш учун тест кўринишидаги баҳолаш назоратини ишлаб чиқиш.

Ўқув мақсадларини бундай аниқлаштириш тест топшириқлари тузишга ҳам қулайлик яратади, чунки, бу мақсадлар ўқув материалнинг энг асосий (муҳим) тушунчаларини ифодалагани ҳолда, фан бўлимлари бўйича тест топшириқлари сонини аниқлаш(тест режасини тузиш) ҳам ўқув материалнинг талабалар ўзлаштириши зарур бўлган энг асосий қонун-қоида ва тушунчаларни қамраб олади. Бунинг натижасида талабалар эришаётган ўзлаштириш балларининг ҳам ўқув материалнинг энг муҳим қисмини ўзлаштиргаликларига боғлиқлик даражаси юқори бўлади. Ўқув мақсадларини Блум таксономияси тоифалари бўйича аниқлашда аниқ ҳатти-ҳаракатни англатувчи феъллар танлашга оид кластер намуна сифатида тасия этилади. Бундай феълларни танлашда “ақлий хужум” ва “микрогуруҳларда ишлаш” каби интерфаол стратегияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Касб-ҳунар коллежлари ўқув режасидаги айрим фанларга оид машғулотларнинг ўқув мақсадларини Инновацион педагогик технология талаблари бўйича аниқлаштиришга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Иқтисодий асослари фанининг аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу фанни тўла ўзлаштиргандан сўнг:

*Когнитив (билишга оид) соҳада:*

- “иқтисодиёт” тушунчаси таърифни билади;
- иқтисодиёт асослари фанини ташкил этувчи асосий қисмларни санаб кўрсатади;
- Бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойилларини фарқлайди;
- Иқтисодий қонунларни тушунтиради;
- Иқтисодий фаолиятнинг аҳамиятини тушунтиради;
- аҳамиятини баҳолай олади.

*Психомотор (ҳаракатга оид) соҳада:*

- Микроиқтисод ва макроиқтисодни бир биридан ажратишни уудалайди.

*Аффектив (ҳиссиётга оид) соҳада:*

- Жамиятда иқтисодий муаммоларнинг аҳамиятини ҳис этади;

Келажакда тежамкорлик ва тадбиркорлик хусусиятларини шакллантириш зарурлигини англайди.

Менинг назаримда, касбий таълимда ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини Блум таксономияси асосида оширишиб самарага эришиш мумкин. Чунки малакавий амалиёт вақтида ўқувчиларга иқтисодий мавзуларни ўқитишда Блум таксономиясининг кетма-кетлигидан фойдаландим ва мақсадга эришдим.

## **III-BOB BOZOR TUШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИАТИ, ВАЗИФАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ВА МЕТОДИК КЎРСАТКИЧЛАРИ**

### **3.1-§. “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда “Венна” ва “3x4” технологияларини татбиқ этиш услубияти**

Тадқиқот ишимнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, битирув олди амалиётимни Самарқанд иқтисодиёт коллежида ўтказдим. Битирув олди амалиётида дарсларни инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил этишга ҳаракат қилдим. Тажрибалар коллежнинг 1-101 гуруҳида ўтказилди. Тадқиқотда 28 нафар талабалар, 5 нафар коллеж ўқитувчилари, 2 нафар коллеж раҳбарлари (директор ўринбосарлари) катнашдилар.

Очиқ семинар дарс ўтишга ҳозирлик кўрган чоғимда, биринчи ўринда семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказишим кераклигига алоҳида эътибор бердим, қандай кўргазмали куроллар, тарқатма материаллардан фойдаланишни аввалдан режалаштириб қўйдим, зарур материалларни тайёрлаб қўйдим. Чунки, семинар дарси талабаларнинг олган билимларини мустаҳкамлаб олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутди. Шунинг учун ҳам семинар дарсни кизиқарли, талабаларни фаол катнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтишим муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тажрибанинг биринчи босқичи, инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб “Иқтисодиёт назарияси” фанидан “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти” мавзусида дарс ўтиш орқали амалга оширилди. Дарсни “Венна” ва “3x4” технологияларидан фойдаланиб ташкил қилдим. (Қўйида жуфтлик дарсининг ўтиш услубияти батафсил ёритиб берилади).

#### ***Амалий машғулот режаси:***

1. Дарсининг ташкилий қисми - 5 дақиқа
2. Ўтган мавзунини мустаҳкамлаш - 10 дақиқа (“Ақлий хужум” усули)
3. Бозор муносабатларининг объекти ва субъектлари – 30 дақиқа (“3x4” педагогик технология)
4. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонлари -25 дақиқа (“Венна” диаграммаси)
5. Дарсга яқун ясаш ва баҳолаш - 10 дақиқа

Ушбу мавзуни яхлит кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун мен дарснинг технологик картасини тузиб олдим (2-3 жадвалда илова қилинади).

## 2- жадвал

### “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусининг семинар машғулотида ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли масалаларни ҳал этиш ва билимларни чуқурлаштириш кўникмаларни ривожлантириш бўйича
Семинар машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва асосий белгилари. Бозор муносабатларининг объекти ва субъектлари.</li> <li>2. Бозор иқтисодиёти амал қилишининг умумий жиҳатлари: ресурслар, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланиши.</li> <li>3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари, унинг чекланганлиги ва зиддиятлари.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> бозор иқтисодиёти, унинг турлари, бозор тўғрисида талабаларга чуқурроқ билим бериш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; - билимлар тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш, иқтисодий категорияларни таҳлил қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - бозорнинг турларини санаб беради; - бозор, бозор иқтисодиёти тушунчаларининг мазмунини баён этади ҳамда уларни бир-бирларидан фарқини очиб беради; - ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини ёритади; - бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликларини фарқлайди; - бозор иқтисодиётида ресурсларнинг доиравий айланишини тавсифлайди; - классик бозор иқтисодиёти ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг фарқларини айтади; - бозор инфратузилмасини тавсифлайди.
ривожлантириш.	
Ўқитиш услуби ва техникаси	“3x4” технологияси ва «Венна»диаграммаси
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланма, проектор, доска, бўр, А32
Ўқитиш шакли	Гуруҳий, индивидуал, жамоада ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Проектор, компьютер технологиялари билан таъминланган намунадаги аудитория.

## Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият	тал
	ўқитувчи	
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, режа ва кутилаётган мақсад, семинар машғулотининг режаси ҳамда уни ўтказиш тартиби маълум қилинади. Экранга баҳолаш мезонини чиқаради (1-илова).	1.1. Эшитадилар
2-босқич. Асосий (25 мин.)	2.1. Талабаларни 3 та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради (3-илова). Иш якунланганда қандай натижага эга бўлиши кутилаётгани билан таништиради. «3x4» технологияси ёрдамида муаммоли саволларни ечиш қоидалари билан таништиради (4-илова). 2.2. Тақдимотни намойиши ва ўзаро баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга солиди, ўқув жараёни давомида олинган хулосаларга эътибор қаратади. 2.3. Талабаларни 3 та гуруҳга бўлади ва топшириқларни қайтаради “Венна» диаграммаси ёрдамида муаммоли саволларни ечиш қоидалари билан таништиради (4-илова).	3.1. Топшириқларни бажаради: - гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни 3.2. Презентация билан таништиради. Ўз фикрларини айтади, саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайди.
3-босқич. Яқуний (5 мин.)	3.1. Мавзуни якунлайди, иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ беради: келгуси мавзу бўйича маърузани ўқиб келиш, маърузачиларга саволлар тайёрлаш.	Эшитадилар Реферат мавзулар ини ёзиб оладилар.

## 4-жадвал

## Ишларни баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир талаба кўрсаткич ва мезонлар бўйича бал йиғади. 0,1 балдан тўғри жавоби учун (максимал 3 балл)

Гуруҳ	1-топшириқ		2-топшириқ		Жавобни лўндалиги (0,5)	Умумий бал (2,6)
	Жавобнинг тўғрилиги (0,4)	Асосланганлиги (0,4)	Кўргазмалилик (схема) (0,8)	Асосланганлик (0,5)		
1						
2						
3						

## Семинарда ишлаш тартиби ва регламент

1. Гуруҳда ишлаш ва презентацияни ёзиш – 20 мин.
2. Ишнинг натижаларини тақдимот этиш – 5 мин.
3. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва гуруҳни баҳолаш – 5 мин.

Технологик харитада кўрсатилгандек дарс 3 босқичда ўтди. Муаммоли семинарнинг биринчи босқичи ташкилий қисм ва ўтган мавзуни

мустаҳкамлашдан иборат эди. Ташкилий қисмни (талабалар билан саломлашиш, аудиторияни тозалигини кўздан кечириш ва талабарни йўқлама қилиш)дан бошладим ва унга 5 дақиқа ажратдим.

Ўтган мавзунини мустаҳкамлаш (10 дақиқа) бунда “Ақлий хужум” усули ёрдамида “Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир” мавзусини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқладим:

1. Товарнинг хусусиятларидан қайси бири асосий ҳисобланади?
2. Товар қийматининг миқдорига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
3. Пул сотиладими, сотилса қиймати нимага тенг бўлади?

Гуруҳдаги барча талабалар фаол қатнашди, ҳаммаси ўз мустақил фикрини билдирди. Талабалар томонидан ўтган дарснинг мавзуси тўлиқ ўзлаштирилганлиги аниқ бўлди.

Муаммоли семинар дарсимнинг иккинчи босқичида “3x4” педагогик технологияни қўладим.

Ушбу технология биргаликдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз ғояларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради. Мазкур усул ҳозирги вақтда Инновацион педагогик технология асосида жорий этилади. Технологиянинг мақсади - талабалар иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, уларда иқтисодий идрок ва зеҳни шакллантириш.

Педагогик технология билан таништиришдан олдин, талабаларни экранда намойиш қилинган баҳолаш мезонлари билан таништирдим ва семинарда ишлаш тартиби ва регламентига изоҳ бердим. (4-5 жадвал)

Мазкур технология беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин.

“3x4” педагогик технологиядан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни кўйидагича ташкил этдим:

- Технология тўғридан-тўғри гуруҳни 4та кичик гуруҳларга бўлишдан бошланди.

- талабаларни тарқатма материалдаги жадвал билан таништирдим: жадвалнинг чап томонида саволлар берилган, ўнг томонига эса, улар ҳар бир саволга 3тадан тушунча ёзишди, (яъни жавоб ёки фикр 3та сўздан иборат бўлиши керак эди).

## “3x4” педагогик технология саволлари

Саволлар	Тушунчалар
1. Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва асосий белгилари нималардан иборат?	
2. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг умумий томонларини ва фарқларини тушунтириб беринг.	
3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва зиддиятлари нималардан иборат?	
4. Бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчилари кимлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқалар қай тарзда кечади?	
5. Бозор тушунчасининг таърифини беринг ва унинг асосий вазифаларини кўрсатинг.	
6. Бозорни туркумлашда қандай мезонлар асос қилиб олинади?	

Жадвал видеопроектор ёрдамида намойиш қилинди.

Бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатилди. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдиришди ва кейинги гуруҳга узатишди. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир саволнинг қаршисида 12 тадан фикрлар мужассам бўлди.

Иккинчи босқичда гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикр билдиришлари талаб этилди. Ўз жавобларини гуруҳ сардорлари тақдимот ёрдамида асослаб беришди. Барча талабалар фаол этишди, жадвални тўлиқ тўлдиришди ва ҳамма ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилди.

Демак, “3x4” технологиясининг натижаси бўйича 1 гуруҳ аъзолари ғолиб деб топилди (иловада кўрсатилган)


6- жадвал

## “3x4” технологияси асосида гуруҳларда ишлашни баҳолаш.

Гуруҳлар.	Жавобнинг тўлиқлиги. (1,0)	Жадваллар да берилган лиги(0,4)	Гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги(0,6)	Баллар.	Баҳоси.
1	1,0	0,4	0,6	2	аъло
2	0,7	0,3	0,3	1,3	қониқарли
3	0,9	0,3	0,5	1,7	якши

Муаммоли семинар дарсимнинг иккинчи босқичида “Венна” диаграммасини қўлладим. Мазкур усул ҳозирги вақтда илғор педагогик технология асосида жорий этилади. Бу ерда педагог сифатида талабалар билан демократик услубда ишлашга ҳаракат қилдим, яъни талаба ўзини эркин тутиши, ўз мустақил фикрини билдириши учун аудиторияни тайёрладик. Гуруҳ

талабалари 3та кичик гуруҳга бўлинди (ҳар бир кичик гуруҳда 7-9та талаба иштирок этади ва ҳар биттаси ўзига тегишли бўлган саволга жавоб излайди) ва ҳар бир гуруҳга алоҳида (“Венна” диаграммаси саволлари асосида) тарқатма материал берилди. Топшириқни бажариш учун талабаларга 10 дақиқа берилди:



Дарсинг якунида ҳар бир талаба 3та босқич бўйича рейтинг тизими асосида олган баҳоларини эълон қилдим. (7-жадвалга қаранг)

### 7- жадвал

Ноанъанавий дарсда талабаларнинг фаолиятини баҳолаш мезони.

Гуруҳлар.	Жавобларнинг тўлиқлиги (1,0)	Қардош гуруҳларни диққат билан эшитгани (0,4)	Гуруҳ иштирокчисининг фаоллиги (0,6)	Баллар.	Баҳоси.
1.АбдурахмоноваМ	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
2.Акрамов Н	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
3.Ахророва Ф	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
4. Ганиев Ж	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
5.Гаффоров С	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли
6 Заедова Л	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
7. Зияев Р	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
8. Ишанкулов М	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
9. Ишанкулова М.	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
10. Қодиркулов Д	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли
11.Каримова У	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
12. Қудратов М	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
13. Муродов Т	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
14. Мухиддинов У	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
15.Мухитдинова А	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли
16. Нумонов М	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
17.Нурмухамедов	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
18. Одилов Ж	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
19 Рустамов	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
20. Парманов И	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли
21.Рустамова Э	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
22 Темуров О	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
23 Хайдаров С	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
24Халиков О	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
25. Хамидов Х	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли



26.Ханипов Р	0,8	0,2	0,5	1,5	яхши
27.Худояров Б	1,0	0,4	0,6	2,0	аъло
28. Эргашев Б	0,7	0,1	0,4	1,2	қониқарли
29. Ахмедова К	0,9	0,3	0,5	1,7	яхши
30.Сохибназаров	0,8	0,2	0,4	1,4	қониқарли

### 3.2-§. “Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзусини ўқитишда олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили

Мазкур 2 соатлик дарсда 2та инновацион педагогик технологияларнинг усулини тадбиқ қилдим. Самарқанд иқтисодиёт коллеждаги амалиёт раҳбарим ёрдамлари катта бўлди, ўтилган дарсга қуйидагича фикр билдирди: Хамдамова Гулруҳ битирув олди малакавий амалиёт даврида ўзини яхши томонлама кўрсатди: маъсулият билан ёндашди, барча топшириқларни ўз вақтида бажарди. Ёш бўлишига қарамасдан очик дарсни ноанъанавий тарзда ташкил этди ва дарсни яхши ташкил қилди.

2та педагогик технологияни маҳорат билан жорий этди ва барча талабаларни дарсга қизиқтирди, дарсни ҳар бир босқичини тўғри тақсимлагани учун дарс ўз мақсадига етди ва вақтида бошланиб вақтида тугади.

Ноанъанавий дарс давомида барча талабалар фаол қатнашди. Хатто пассив талабалар: Ахророва Ф, Эргашев Б, Хамидов Х., Сохибназаровлар ҳам қизиқиб кетди ва жавоб беришга ҳаракат қилди. Ўтилган мавзу дарснинг мақсадига мувофиқ мустақамланди, ҳар бир талабага уз фикрини эркин ифода этишни таъминлаб берди ва шунга эришди. Мазкур технологияни қуллаш орқали машғулотнинг мақсади ва мазмунига талабаларнинг узлари тезроқ етиб келдилар ва келгуси фаолиятларида нималарга эътибор бериш лозимлигини узлари англадилар.

Талабалар рейтинг тизими асосида баҳоланиб борди. Баҳолашда талабаларни билимига, бу мавзунини қандай даражада ёритиб беришига алоҳида аҳамият берди.

Ноанъанавий дарснинг яна бир афзал томони шундаки: Хамдамова Гулруҳ барча талабаларни қисқа вақт ичида баҳолади (биронта талаба четда қолмади) Дарснинг камчилиги: баҳс-мунозара бўлганлиги сабаб аудиторияда шовқин юзага келди.

Кейинги босқичда лицей талабалари томонидан “Т-схема” асосида дарс натижалари баҳоланди ҳамда лицейнинг ўқитувчилари томонидан “**Инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш**” масаласи муҳокама қилинди.

“Т-схема (таққослаш, баҳолашни ўргатувчи метод) – икки хил маълумот: ахборот, турли қарашларни таққослашнинг универсал график

тарзда ифода этилиши бўлиб, талабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд қарашларни таққослаш улар асосида қарор қабул қилишга ўргатади.

Мен ушбу усул орқали талабалардан ўтилган дарс жараёнининг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришларини сўрадим ҳамда талабаларни икки гуруҳга ажратдим.

-биринчи гуруҳга –“Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари” мавзуси бўйича ўтказилган ноанъанавий дарс жараёнининг афзаллиги ва камчилигини кўрсатиб беришларини;

-иккинчи гуруҳга – “Кўрғазмали анъанавий таълим”нинг камчиликлари ва афзалликларини таққослаб кўрсатишлари лозимлигини ўқтирдим.

Изоҳ: Ушбу иккита масаланинг ютуғи ва камчилигини кўрсатиш учун,(талабаларга) иккита гуруҳга биттадан оқ қоғоз тарқатилади ва муаммонинг камчилиги ва ютуғи талабалар томонидан кўрсатиб берилади.

## 8- жадвал

1-чи гуруҳ.

Талабалар томонидан юқоридаги масалалар қуйидагича таққосланади:

«Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари”мавзусида ўтилган ноанъанавий дарс жараёни	
Афзалликлари	Камчиликлари
<p>1. Қисқа вақт ичида кенг хажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминланади.</p> <p>2. Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилди ва индивидуал баҳоланди</p>	<p>1. Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.</p> <p>2. Вақтни тақсимлашда қийинчиликларга дўч келиши.</p>

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб ягона бир хулосага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Ноанъанавий таълимда эса - инновацион педагогик технологияларни таълим жараёнида қўллаш орқали талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида яқка, кичик гуруҳ ҳолда таҳлил этиб хулоса чиқара олиши мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Менинг назаримда, инновацион педагогик технологияларни жорий этишда қўйидаги методик тавсияларга эътибор бериш керак:

1. Лицей ва коллежларда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши керак, яъни ҳар бир ўқитувчи

ноанъанавий таълим усуллари ва уларни татбиқ этишни мукамал билиши керак.

2. Лицей ва коллежларда инновацион педагогик технологиялар бўйича махсус курсларни ташкил этиш ва уларга барча ўқитувчиларни жалб этиш
3. Лицей ва коллежларда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш учун мос шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.
4. Лицей ва коллежларда техник воситалардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши яъни барча ўқитувчилар компьютер саводхонлигига эга бўлиши.
5. Ноанъанавий таълимни ташкил қилганда шовқин юзага келмаслиги учун кичик гуруҳдаги ҳар бир талабага қоғозга ёзилган рақамларни тарқатиб рақам бўйича жавоб беришни талаб қилиш шарт

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар билан бирга талабалардан ҳам инновацион педагогик технология усуллари яхши билиш, ўқитувчининг ушбу усулларни қўллаб дарс бериш, талабаларни эса, улардан фойдаланиб дарсни ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш лозимлиги талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида, инновацион педагогик технология усулларида фойдаланишни нафақат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам ўзлаштирган бўлишлигини тақозо қилмоқда.

Чунки, инновацион педагогик технологияларнинг афзалликларидан бири шундаки, у ўқитувчида ҳам, талабада ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиш учун рағбат уйғотади, ҳар иккаласида ҳам бировларнинг назоратини кутиб ўтирмасдан, ўзларини-ўзлари назорат қилиб туриш кўникмасини сингдириб боради<sup>53</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, Инновацион педагогик технология орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоки қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради.

Зеро, Ўзбекистон Президентининг фикрига кўра: “Ўқув жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабаларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш керак”<sup>54</sup>.

---

<sup>53</sup> Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 126.

<sup>54</sup> Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги Қарори // Зарафшон газетаси. – 31.05.2012. – №66.

### **3.3-§. Инновацион педагогик технологияларни жорий этишда хавфсизликни таъминлаш муаммолари**

Ташкилотларда ва барча таълим муассасаларида ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига амал қилиш, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Касб ҳунар коллеж ва лицейларда фаолият юритган ҳар бир педагог ўзини иш жойида хавфсизлик техникаси, корхона санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилиши, риоя қилмаган ҳолда эса жароҳатланишга, заҳарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин. Битирув олди малакавий амалиёт ўтаган чоғимда меҳнат хавфсизлигига риоя қилдим.

Биринчи ўринда санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдим: яъни аудиторияни шамоллатиб, навбатчи талабалар билан биргаликда - жихозларни устидаги чангларни артиб, чанг қолмаганлигини назорат қилдим. Аудитория чангининг ўқитувчи ва талабалар саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилганда ёки киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш натижаси ошади. Бир вақтда чанг таркибида радиоактив аэрозолларнинг бўлиши ва ҳаводаги бошқа газлар таъсири чангнинг организмга зарарли таъсирини кучайтиради.

Масалан иқтисодчи-педагог асосан тушунтириш ишларини оғзаки баён этади, мана шундай жараёнда чанг оғиз орқали организмга киради ва ўқитувчининг касбий касаллигига учраши мумкин.

Чанг ажралишнинг гигиеник таъсиридан ташқари яна бошқа салбий томонлари бор: у технологик жихозларнинг емирилишини тезлаштиради, қимматбаҳо материалларни ишдан чиқариб, иқтисодий зарар етказди. Бундан ташқари ишлаб чиқариш муҳитининг умум санитария ҳолатини ёмонлаштиради, жумладан, дераза ва ёритувчи асбобларни ифлослантириши

оқибатида ёруғликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари, масалан кўмир, ёғоч чанглари ёнғин ва портлашнинг юзага келишига шароит яратади.

Иккинчи ўринда ҳар бир педагог ноанъанавий дарсини ахборот технология ёрдамида ўтмоқчи бўлади, шунда барча техник воситаларни хавфсизлигини текшириб чиқиш кераклигини эсдан чиқармаслиги керак. Хаттоки оддий электр носозлиги бўлса ҳам аудиториядаги шахсларнинг шикастланишлари жиддий бўлиши мумкин. Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида- талабларига амал қилмаслик, одамнинг шикастланишига олиб келади.

Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгариш бўлиши мумкин.

Электрдан шикастланиш электрик куйишга, терининг металланишига, электр белгиларига, электроофтальмияга, механик таъсирга олиб келиши мумкин.

Меҳнат муҳофазасининг учинчи ўриндаги шикастланиш бу заҳарли моддалар ва улардан эҳтиёт бўлиш. Заҳарли моддалар одам танасига нафас олиш йўли ёки тери орқали, овқат ейиш вақтида, ифлосланган сувни истеъмол қилинганда ўтади ва сақланувчи заҳарланишга олиб келади.

Тўртинчи ўринда- шовқин ва титраш бўлади. Одам учун ёқимсиз ҳар қандай товушлар шовқин деб аталади. Амалиёт вақтида интерфаол усуллар асосида дарсларни ташкил этдим ва, албатта аудиторияда шовқин содир бўлар эди, бу эса ўқитувчини ҳам, талабаларни ҳам организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ҳар бир талаба ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилар эди (гуруҳда 27 нафар талаба). Бундан чиқадикки, ҳар бир мутахассис ўзининг фаолиятига тайёр бўлиши; яъни ўз-ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши керак бўлади.

Халқаро тажриба изланишларнинг кўрсатишича асосан ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг 60-90%и зарар кўрган кишиларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда психологик билимларни татбиқ қилишни ифодалайди. Бу ерда меҳнат фаолияти жараёнида кўринадиган психологик ҳолатлар турлари тўлиқ текширилади, психологик жараёнлар, психик хусусиятлар кўриб чиқилади.

Инсоннинг психик фаолиятида икки асосий гуруҳ: - психик жараёнлар ва психик ҳолатлар фарқланади.

Психик жараёнлар психик фаолиятнинг асосини ташкил қилади. Бусиз билимларни жамлаш, ҳаётий тажрибага эга бўлиш мумкин эмас.

Меҳнат психологияси вазифалари ва хавфсизлик муаммоларидан келиб чиқиб ҳолатларни ишлаб чиқариш ва махсус психик ҳолатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, бахтсиз ходисаларни олдини олиш чораларини ташкил этишда муҳим ўрин тутаетди. Инсоннинг қобилияти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик(руҳий) кучланиши даражасига боғлиқ. Психик кучланиш инсоннинг меҳнатига маълум даража- чегарагача ижобий таъсир этади. Фаолликни критик нуқтадан юқорига кўтариш иш қобилиятини юқотишгача олиб келиши мумкин.

Ўқитувчи учун нормал шароитдаги ҳис-туйғу ва меҳнат қилиши учун руҳий кучланиш даражаси 40-60% дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда бу унинг иш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Психик кучланишнинг чегарадан юқори даражасида инсоннинг шахсий хусусиятлари пасаяди, ҳаракат координати ўзгаради, хулқи самарасиз ҳолатга ўтади ёки ҳаёт фаолиятида бошқа салбий ўзгаришлар намоён бўлади.Чегарадан юқори психик кучланишни хусусиятига қараб уни тўхталувчи ва қўзғатувчи турларга ажритиш мумкин.

Психик кучланишнинг тўхталувчиинсон ҳаракатининг пасайишига ва чекланишига олиб келиши билан ифодаланади. Касб эгаси вазифани аввалгидек шижоат билан бажаришга қодир бўлмайди, жавоб бериш хусусияти ва тезлиги пасаяди.Бунинг натижасида хотиралаш, фикрлаш жараёни секинлашади, ёмонлашади ва шу каби бошқа салбий омиллар кузатилади.

Инсоннинг психик ҳолатига таъсир этадиган омиллар – умидсизланиш, кайфиятнинг бузилиши, қўполлик аломатлари, йиқилиб тушиш, толиқиш кабилар бўлмаслиги учун маълум ташкилий ва иқтисодий чора- тадбирлар амалга оширилади.

Шу жумладан, инсоннинг саломатлигига, иш ҳолатига, психологик фаолиятига ижобий таъсир этадиган психофармокологик воситалар ишлаб чиқилган ва улар тавсия этадиган тақдирда қўлланилади.

Енгил стимуляторлар (чай, кофе)ни қўллаш инсоннинг иш қобилиятини қисқа вақтга оширади, уйқусини қочиради.

Хуллас, касб-ҳунар коллеж ва лицейларнинг шароити асосида тарбияланувчи инсонни психик ҳолати барқарор бўлиши учун чора-тадбирлар кўриш, такомиллашган назорат усулини уюштириш асосида вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

## Хулоса

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг сифат босқичи барча иқтисодий дарсларни Инновацион педагогик технология усулларини қўллаган ҳолда, амалиётга яқинлаштириб, талабаларнинг мустақил, иқтисодий тафаккурини дарс жараёнида ўстиришга қаратилиши лозимлигини тақозо қилмоқда. Зеро, Инновацион педагогик технологияларнинг мақсади ўқитувчи ва талабаларни ортиқча вақт, жисмоний ва ақлий куч сарф қилмасдан, кўп материални ўзлаштириши учун имкониятларни яратишдан иборатдир.

Иқтисодчи-педагог талабалар билан ишлаш жараёнида ўз маҳорати, усули, ўзига хос педагогик технология сирларини эгаллаган малакага эга бўлиши шарт. Акс ҳолда ўқитувчи дарс беришдан, талабалар (ўқувчилар) эса дарсни тинглашдан етарли даражада қониқиш олмайди ва бундай дарснинг самараси ҳам кам бўлади. Шу туфайли иқтисодчи-педагог талабалар (ўқувчилар) билан бирга ишлайдиган, бир масалани биргаликда ўрганадиган, уларда билмаганларини ўзлари билиб оладиган кўникмани шакллантирадиган бўлиши лозим.

Бунда иқтисодчи-педагог нималарга аҳамият бериши даркор?<sup>55</sup> Энг аввало, фан бўйича дарсни бошлаган биринчи минутларданок у талабалар (ўқувчилар) билан изчил ва қаттиқ шуғулланиши бирор дақиқани қўлдан бой бермаслиги лозим.

Биринчи навбатда, иқтисодчи-педагог талабаларда шу фаннинг зарурлигини жуда содда ва ҳаётий мисоллар билан асослаб, уларда мазкур фанни шрганишга бўлган ички эҳтиёжни уйғота билиши лозим. Овқатланишга ҳам иштаха керак бўлганидек, ўрганишга, меҳнат қилишга эҳтиёж бўлмаса, талабани ўргатиш ва бунинг учун унда меҳнат қилиш кўникмасини шакллантириш қийин бўлади.

Иккинчидан, иқтисодчи- педагогнинг маҳорати талабалар шу фанни билса, нималарга эришишини кўрсата билиши ва уларда шу фанни ўрганишга катта рағбат уйғотиши билан белгиланади. Бу босқич ҳақиқатда педагогнинг маҳоратига боҳлиқ. Талабада ўрганиш ва бунинг учун меҳнат қилишга қандайдир рағбат туйғуси уйғонмас экан, у ҳеч маҳал сабоқ олишга киришмайди ва меҳнат қилмайди.

Учинчидан, моҳир педагогнинг маҳорати талабаларга билим олишга ўзларини жалб қилиш кўникмасини сингдиришда намоён бўлади. Бунда талабада ўқитувчи-педагогнинг ўргатишини кутиб ўтирмасдан, ўзи ҳам ўрганиши мумкинлигини, ўқитувчи фақат йўналиш берувчи устоз эканлигини хис қила олишини шакллантириш лозимдир. Бунинг учун

---

<sup>55</sup> Пардаев М.Қ. Иқтисодий фанларда педагогик технология: назария ва амалиёт Т., 2012, 6-б.

юқорида таъкидланган, иқтисодий фанга бўлган эҳтиёж ва уни ўрганишга бўлган рағбатни шакллантириш лозим бўлади.

Демак, моҳир иқтисодчи-педагогнинг асосий вазифаси-талабага билим бериш баробарида унинг шахсини такомиллаштиришга, ички имкониятларини ишга солиш кўникмасини ҳосил қилишга, мустақил равишда ўрганиш ва меҳнат қилиш орқали илмни эгаллашга эришишга, ўз фикрини назарий ва мантиқий асослашда турли манбаларга таяниш каби кўникмаларни сингдиришга қаратилгандир.

Мен «Бозор тушунчаси ва унинг моҳияти, вазифалари» мавзусини ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллаш» мавзусида битирув малакавий ишим юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, шу хулосага келдимки, иқтисодий таълим жараёнида ўқув машғулотларнинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Шу боис, айтиш мумкин бўлган бундай ҳолатни олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига инновацион педагогик технология усулларини ва ахборот технологияларни изчил, мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда.

Шунинг учун мен ўзимнинг БМ ишимда, инновацион педагогик технология усуллари асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга деб фикр юритдим. Иқтисодий таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишда инновацион педагогик технология усулларида фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ деб уйлайман.

БМ ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларини ўрни ва ҳолати ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлари аниқланди. Инновацион педагогик технологияларининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилиб уни қўллашнинг амалий таклифлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишимда инновацион педагогик технология назариясининг моҳияти, унинг шаклланиши ҳамда афзалликлари, таълим жараёнининг истиқболлини таъминлашдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, ноанъанавий таълим усулларни иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнига татбиқ этиш шартлари хусусида тушунча беришга ҳаракат қилдим

Ўрганишлар асосида, таълим тизимида инновацион педагогик технология усулларини қўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. Тадқиқот ишини олиб бориш



жараёнида инновацион педагогик усулларини ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

- мавжуд манбаларда иқтисодий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига Инновацион педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги;

- Инновацион педагогик технология усулларини ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги;

- таълим муассасалари, шу жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллеж муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг Инновацион педагогик технология асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;

- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг қўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиш мумкин:

1) таълим жараёнида таълим шаклига мос янги ўқув дастурлари, дарсликлар тузиш, Инновацион педагогик технологияларни қўллаш соҳасида “тажриба майдонлари”ни ташкил этиш;

2) таълим олувчиларнинг шахсига, унда таълим ва билимга бўлган иштиёқини кучайтиришга, ифтихор ва исоний қадр-қиммат туйғусини шакллантиришга эътибор бериш;

3) кадрлар тайёрлашда ахборот воситалари ва техник воситалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида (барча таълим муассасаларида) компьютер курсларини ташкил этиш;

4) илғор иш тажрибаларни ўрганиб, ижодий ёндашган ҳолда фаолиятга татбиқ этиш.

5) таълим жараёнида таълим шаклига мос ҳолда хоналарнинг жиҳозланиши, Инновацион педагогик технология усулларини қўллаганда вақт чегарасини стандартлаштиришга ҳамда техник жиҳозлар ва электр тоқларидан фойдаланилганда хавфсизликни таъминлаш.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2014 йил. - 38 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”и Қонуни - Т.: “Шарқ”, 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” Т.: “Шарқ”, 2001.
4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. 2012 й., 28 май.
5. Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2017 йил 14 декабр.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012., 437 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг «Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажакимизнинг гаровидир» рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тошкент, 2012. 144 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008 й.
9. Каримов И.А. Биз учун халқимиз ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ.- Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган


- мажлисидаги маърузаси. - Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ. 1-4 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сон Фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.
  12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 12-сон, 110-модда.
  13. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш” чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016 йил 14 июн.
  14. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2016 йил 20 июн.
  15. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2006 йил 18 апрель қарори.
  16. “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2007 йил 23 май қарори.
  17. “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантиришни дастури тўғрисида”. 2016 йил 26 феврал қарори.
  18. “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябр қарори.
  19. Каландаров А . Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент. 2004.
  20. Қосимов А.Х., Холикова Ф.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар фанидан маърузалар матни. –Тошкент, 2014.
  21. Ахмадалиев А.М., А.Х. Қосимов. Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар // Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги.

- Тошкент ахборот технологиялари университети. Ўқув қўлланма. –Т.:, 2006.
22. Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В., Минаварова Г.Т., Халилов М.Ш. «Иқтисодиёт назарияси» фанидан таълим технологияси. Услубий қўлланма «Иқтисодий таълимда ўқитиш технологиялари» сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010, 329 б.
23. Ишматов Қ. Педагогик технология. Маъруза матни. – Наманган, 2004. 133 б.
24. Фарберман Б.А., Мусина Р.Т., Жумабаева Ф.А. “Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари”. – Тошкент, 2002. 214 б.
25. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадярова С.А., Эшчонов Э.У. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат”. – Тошкент: –“Иқтисод-Молия”, 2009. 240 б
26. Давронов П.З. “Ноанъанавий таълим технологиялар”. – Самарқанд: – “Зарафшон ”, 2016. 240 б.
27. Урунбаева Ю. П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истикболлари. Монография.Тошкент.: «ФАН», 2013. 156 б.
28. Мухаммедов М.М., Ю.П.Урунбаева Аҳоли турмуш даражасини шакллантириш омиллари ва ошириш истикболлари. Рисола. «Зарафшан», 2010. 136 б.
29. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. “Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари”. -Т.: “Фан”, 2006. 76 б.
30. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш”. – Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2009. 91 б.
31. Ахунова Г.Н. ва б. Педагогик технология. Т.: ТДИУ, 2007. -220 б.
32. Зиёмухаммедов Б., Тожиев М. “Педагогик технологиялар”. – Т., 2009. 35 б.


33. Зиёмухаммедов Б., Тожиев М. Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели. –Т.: Лидер Пресс. 2009 104 б.
34. Тожиев М., Толипов Ў.Қ., Сейтхалилов Э.А., Зиёмухаммедов Б. Педагогик технология – замонавий илмий-назарий асоси // ОЎМКХТРМ. –Т.: Ишонч М.С. 2008.
35. Тожиев М., Зиёмухаммедов Б. Миллий педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига тадбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Монография. / –Т.: Мумтоз сўз, 2010, 271 б.
36. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс. Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари. Илмий-услубий қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009.
37. Саидахмедов Н. “Ноанъанавий таълим технологиялар”. –Тошкент: “Молия”, 2003 й. 63 б.
38. Ишмухаммедов Р. ва бошқалар. “Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: “Истеъдод”, 2008. 28 б.
39. Курбонов Ж.М. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Услубий кўрсатма. – Самарқанд: СамИСИ, 2010. 32 б.
40. Тожибоева Д., Йўлдошев А. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Дарслик. Т.: «Алоқачи», 2009, 568 б.
41. Тожиев М., Зиямухамматов Б., Ўралова М. Педагогик технология ва педагогик маҳорат фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш (педагогик технология миллий моделининг амалиётга тадбиғи); Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан барча магистратура мутахассисликларининг талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. –Т.: «Тафаккур-бўстони», 2012. -224 б.
42. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технология / Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Т.: Чўлпон НМИУ, 2012. 208 б.
43. Авлиякулов Н.Х., Намозова Н.Ж. Муаммоли ўқитиш технологиялари. Т.: Фан ва технологиялар, 2008, 80 б.

44. Рашидов Х., Хабиб Х. ва б. Касбий педагогика. Ўқув услубий кўлланма. Т.: 2007.
45. Хамидов А. Ноанъанавий таълим технологиялар. Ўқув кўлланма. Т.: 2004
46. Шаякубов Ш.К., Аюпов Р.Х. Интерфаол таълим усуллари / ўқув кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. –Т.: «Тафаккур-бўстони», 2012. -136 б.
47. Сейтхалилов Э.А., Тожиев М. Педагогическая технология: опыт практического применения и системно-содержательного анализа. Учебное пособие. Т.: «Тафаккур бустони», 2012. 255 стр.
48. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Ўқув кўлланма. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2006, 160 б.
49. Голиш Л.В., Файзуллаева Н.М. Педагогик технологияларни лойихалаштириш ва режалаштириш. Ўқув-услубий кўлланма / Таълимда инновацион технологиялар сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2010.
50. Таълим муаммолари. –Т.: Тафаккур-бўстони, 2011. 1,2,3 сони. (2012 йил 1 сони).
51. “Таълим жараёнига замонавий, педагогик ва ахборот–коммуникация технологияларини жорий этиш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. Т.: -2012. 12-бет
52. [www.google.uz](http://www.google.uz)
53. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
54. [info@xs.uz](mailto:info@xs.uz)
55. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)
56. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
57. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
58. [www.nammpi.uz](http://www.nammpi.uz)
59. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
60. [www.sies.uz](http://www.sies.uz)

## Иловалар



## Бозор турлари.



**Б/Б/Б технологияси**  
**Б/Б/Б жадвали билан ишлаш кетма-кетлиги**



**Б/Б/Б – Техникасини қўллаш қоидаси.**

1. Инсерт техникасини қўллаб матинни ўқиб чиқинг.
2. Олинган натижани яқка равишда системали равишда жадвалда белгилаб чиқинг Б/Б/Б жадвали

№	Мавзу саволлари	Биламан	Билишни ҳохлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1				
2				
3				
4				